

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

31-32-сон
(219-220)
2006 й.
июль-август

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

308. «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлдаги ПФ-3781-сон Фармони
309. «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз хисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сон қарори
310. «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 4 августдаги ПҚ-435-сон қарори
311. «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сон қарори
312. «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги ПҚ-438-сон қарори

313. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги ПҚ-439-сон қарори
314. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 августдаги ПҚ-440-сон қарори

Учинчи бўлим

315. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 9 мартағи ПҚ-302-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 августдаги 154-сон қарори
316. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солик академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 10 январдаги 16-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 августдаги 155-сон қарори
317. «Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарори
- 318. «Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида» 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 162-сон қарори +
319. «Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 163-сон қарори
320. «Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сон қарори
322. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 25 июлдаги ПФ-3781-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 8 августдаги 168-сон қарори
323. «Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъоддлар учун «Нихол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъоддлар учун «Нихол» мукофоти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 мартағи 44-сон қарорларига ўзгар

тиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2006 йил 9 августдаги 169-сон қарори

Бешинчи бўлим

324. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/7-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 августда 1552-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
325. «Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартариш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2006 йил 18 июлдаги 117, 20, 01-231-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 августда 1540-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
326. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари хисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 16 июлдаги 273-В-1, 67-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 августда 1548-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
327. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш кувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2006 йил 6 июлдаги 01-02/12-12-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 августда 1609-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
328. «Савдо шахобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги ўйроқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2006 йил 13 июлдаги 6/2, 4, 255-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 августда 1610-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
329. «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва молларни сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат гувоҳномалари бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 13 июлдаги 6/1, 5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 августда 1611-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
330. «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали курилмаларни Ўзбекистон Рес

+

-

публикаси худудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 27 июлдаги 03-8/2433, 12826, 33/460, 33/1346, 01-02/20-13, 2006-34-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 августда 1532-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 29 июлдан 11 августгача бўлган маълумот

—

+

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

308 Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида

Юксак даражадаги илмий изланишларни амалга ошириш, ноёб ихтиро ва кашфиётлар, энг замонавий талабларга жавоб берадиган техника ва юқори технологияларни, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган етук бадиий асарлар яратишни рафбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш максадида:

1. 2007 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг:

- фан ва техника;
- адабиёт;

санъат ва меъморчилик йўналишларида жами олтита — учта биринчи даражали ва учта иккинчи даражали Давлат мукофотлари таъсис этилсан. Ҳар қайси биринчи даражали Давлат мукофотининг микдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварига, ҳар қайси иккинчи даражали Давлат мукофотининг микдори энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараварига тенг бўлиши белгилаб қўйилсан.

2. Вазирлар Махкамаси хузурида Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаш ташкил қилинсан ва унинг таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномаларни қабул қилиш ва уларни саралаш, Давлат мукофотларига номзодлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг илмий, ижодий, адабий ва бадиий ишларининг кенг муҳокамасини ташкил қилиш, экспертизадан ўтказиш ҳамда тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг асосий вазифаси деб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Илгари Ўзбекистон Республикасининг Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод ва Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари билан тақдирланган лауреатларнинг мазкур мукофотлари ўз кучини сақлаши белгилаб қўйилсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил қилиш тўғрисида» 1997 йил 23 январдаги ПФ-1701-сон Фармонининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси икки ҳафта муддатда:
мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қилсан;
Давлат мукофоти лауреатларининг дипломи, гувоҳномаси ва кўкрак нишони

* 1-илова берилмайди.

лойиҳасини яратиш учун танлов эълон қилсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасит юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 июль,
ПФ-3781-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 25 июлдаги
ПФ-3781-сон Фармонига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисида НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари (кейинги ўринларда Давлат мукофотлари деб аталади) мазкур соҳа вакилларининг давлат ва жамият олдидаги хизматларининг юксак эътирофидир.

Ўзбекистон Республикасининг
— фан ва техника,
— адабиёт,
— санъат ва меъморчилик йўналишларида жамия олтита — учта биринчи даражали ва учта иккинчи даражали Давлат мукофотлари ҳар икки йилда бир марта берилади.

Ҳар қайси биринчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварига, ҳар қайси иккинчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараварига тенг бўлиб, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган соликка тортилмайди.

Давлат мукофотларига илмий тадқиқотлари, адабий ва бадиий асарлари матбуотда эълон килинган, техника ва технологиялар соҳасидаги ишлари ишлаб чиқаришга жорий этилган шахслар тавсия этилиши мумкин.

Мусика, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарларининг муаллифлари ушбу асарлар концертлар, кўргазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилиниб, кенг жамоатчиликка таништирилганидан кейин, меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилганидан сўнг бир йил ўтгач, Давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

2. Фан ва техника соҳасидаги биринчи даражали Давлат мукофоти республика фанини ривожлантиришга улкан хисса бўлиб қўшилган ва халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, ихтиро ва илмий ишланмалар, жаҳон миқёсидаги энг илфор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар учун берилади.

Фан ва техника соҳасидаги иккинчи даражали Давлат мукофоти республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган ихтиrolар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарслеклар, илфор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар учун берилади.

Адабиёт соҳасидаги биринчи даражали Давлат мукофоти ўзбек адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг маданий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, халқаро миқёсда миллний адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган юксак бадиий савиядаги шеърий, насрой ва драматик асарлар, ўзбек адабиётининг энг нодир асарларини хорижий тилларга таржималари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар учун берилади.

Адабиёт соҳасидаги иккинчи даражали Давлат мукофоти замонавий ўзбек адабиёти ривожида муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадиий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётининг миллний маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етук асарларини ўзбек тилига таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарслеклари учун берилади.

Санъат ва меъморчилик соҳасидаги биринчи даражали Давлат мукофоти республикада маданият, санъат ва меъморчиликни ривожлантиришга бекиёс ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик томонидан ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилган, энг юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари учун берилади.

+ Санъат ва меъморчилик соҳасидаги иккинчи даражали Давлат мукофоти республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари учун берилади.

-

Давлат мукофотлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳамда мамлакатимиз фан ва техникаси, адабиёти, санъати ва меъморчилиги ривожи йўлидаги алоҳида хизматлари учун хорижий давлатларнинг фуқароларига берилади.

3. Давлат мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаш (кеинги ўринларда Давлат мукофотлари бўйича кенгаш) томонидан тақдим этилади.

4. Давлат мукофоти шахсий характерга эга ва, қоидага кўра, битта шахсга берилади. Давлат мукофотига тавсия этилган ишда бир неча шахснинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси аъзолари беш кишидан ошмаслиги керак. Бу ҳолда пул мукофоти Давлат мукофоти лауреатлари ўртасида тенг миқдорда тақсимланади ва ҳар бир лауреатга диплом, фахрий нишон ва унинг гувоҳномаси топширилади.

Давлат мукофотига тақдим этилаётган жамоа илмий ва ижодий ҳиссаси эришилган ютуқда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муаллифлардангина иборат бўлиши шарт. Муаллифлар жамоаси таркибига талабгор шахслар маъмурий, маслаҳатчилик ёки ташкилотчилик бўйича ҳиссасига кўра киритилиши мумкин эмас.

Давлат мукофотлари истисно тарикасида илгари Ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан тақдирланган муаллифлар ишлари учун ҳам берилишига йўл қўйилади.

Муаллифлар жамоасининг аъзоси вафот этган тақдирда, унинг ишга қўшган ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлсагина, Давлат мукофотига тавсия этилиши мумкин. Вафотидан сўнг тақдирланган ёки вафот этган лауреатнинг дипломи ва фахрий нишони унинг оиласига ёдгорлик сифатида топширилади, пул мукофоти эса конун хужжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб берилади.

Ҳар бир соҳа бўйича мукофотга номзодлар сони олтитдан кам бўлган ёки Давлат мукофотлари бўйича кенгаш томонидан экспертиза хulosалари ёки кенг жамоатчилик ўртасидаги муҳокама натижалари асосида Давлат мукофотига тавсия этилган ишлар бундай мукофотга муносиб эмас ёки муносиблиги мунозарали деб топилган тақдирда бериладиган Давлат мукофотлари сони камайтирилиши ёки берилмай қолдирилиши мумкин.

5. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари Давлат мукофотларига номзодлар кўрсатиш ва тавсияномалар тақдим этиш хукуқига эга.

6. Куйидагилар белгилаб кўйилсин:

навбатдаги Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар қабул қилиш бошланиши тўғрисидаги билдириш мукофотлар бериладиган муддатдан ўн ой олдин республика марказий газеталарида эълон қилинади;

Давлат мукофотига талабгорларнинг хужжатлари уч ой давомида қабул қилинади;

Хужжатлар қабул қилиш тўхтатилганидан сўнг бир ой муддатда Давлат мукофотлари бўйича кенгаш томонидан қабул қилинган хужжатларнинг Давлат мукофотлари тўғрисидаги низом талабларига мувофиқлиги кўриб чиқилиб, номзодлар рўйхати шакллантирилади ва республика марказий газеталарида эълон қилинади;

Давлат мукофотига тақдим этилган ишлар уч ой мобайнода кенг жамоатчилик, мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар муҳокамасидан ҳамда экспертизадан ўтказилади;

икки ой мобайнода муҳокама натижалари ва экспертиза хulosалари умумлаштирилиб, Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг соҳаларга оид шўъбаларида кўриб чиқилади, шўъбаларнинг хulosалари асосида тегишли таклифлар тайёрланади ва мукофот бериладиган муддатдан бир ой олдин Ўзбекистан Республикаси Президентига тақдим этилади.

7. Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар ва уларга тегишли материалларни тайёрлаш, Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг тақдим этиш, уларни Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг ишчи органларида расмийлаштириш, экспертизадан ўтказиш, Давлат мукофотлари бўйича кенгашда кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган «Давлат мукофотларига тавсияномаларни кўриб чиқиш ва Давлат мукофотларини бериш бўйича таклифлар тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги Регламент билан белгиланади.

8. Талабгорларнинг ишлари танлов асосида кўриб чиқилади. Давлат мукофотларига тавсия этиш учун саралаб олинган номзодлар рўйхати, уларнинг мукофотга тавсия этилаётган ишларининг номи ва қиска мазмуни билан бирга республика марказий матбуотида эълон қилинади. Давлат мукофотлари бўйича кенгаш манфатдор томонлар иштирокида Давлат мукофотларига тақдим этилган ишларнинг кенг муҳокамасини ташкил қилади ва экспертизадан ўтказади.

9. Ўзбекистан Республикаси Президентининг Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги Фармони Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами арафасида матбуотда эълон қилинади.

10. Давлат мукофотларига сазовор бўлган шахсларга «Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати» унвони берилади ва уларга пул мукофоти, диплом, «Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати» қўкрак нишони ҳамда унинг гувохномаси топширилади

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати нишони» қўкракнинг ўнг томонига, бошқа давлат мукофотларининг юқорисига тақилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

309 Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада 3 млн.дан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилган, савдо ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида 12 миннгга якин терминаллар ўрнатилган ёки 2004 йилги даражага нисбатан 8 баробардан зиёд ошган.

Кайси банк хизмат кўрсатишидан қатъи назар, барча савдо шахобчаларида пластик карточкаларини қўллаган ҳолда ягона тартибда банк операцияларини ўтказишга имкон яратувчи Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. Республиkaning 18 та тижорат банкларини ўз ичига олган пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга ошириладиган Банклараро тўлов тизими яратилди. Пластик карточкаларни қўллаш орқали нақд (пулсиз ҳисоб-китоб олиб бориш учун зарур конунчилик ва норматив-хуқуқий база шакллантирилди. Қатор маҳаллий корхоналар томонидан банк микропроцессор пластик карточкалар ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамон етарли даражада ривожланмаган. Аҳолига сервис хизмати кўрсатишининг жаҳон стандартларига мос келадиган мижозларни жалб этиш, маҳсулот сотиш ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини ошириш учун шарт-шароит яратадиган пластик карточкалардан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича турли хил дисконт, бонус ва совринли лойиҳаларни жорий этиш борасида етарлича иш олиб борилмаяпти.

Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, республикада банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминаллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2010 йилнинг 1 январигача банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган хомашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар

божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йифимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади;

2006 йилнинг 1 октябридан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) кўрсатилган хизматларга пластик карточкалар қўлланниб тўланган ҳажмидан амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича даромад (фойда) солиги ёки ягона солик тўловини тўлайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ягона умумреспублика процессинг марказига банк пластик карточкаларининг тегишли сифати ва уни қалбакилаштиришга имкон бермайдиган юқори даражадаги ҳимоясини таъминлаш шарти билан ишлаб чиқариш ва сотиши ташкил этишга руҳсат берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки «Ўзбекнефтгаз» МХК ҳамда банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий хомашё ва материаллар асосида пластик карточкалар ва терминаллар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон банклар уюшмаси тижорат банклари билан биргаликда Банкомолия академияси ва Минтақавий банк ўқув марказида карточка технологиялари ва электрон тўловлар бўйича кисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин, шунингдек мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали ахоли учун пластик карточкаларнинг жозибадорлигини оширишга каратилган тушунтириш ва реклама ишларини олиб борсин.

5. Тижорат банкларига манфаатдор ташкилотлар ва корхоналар билан биргаликда 2006-2007 йиллар давомида автоматлаштирилган тартибда пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни узлуксиз амалга ошириш имконини берувчи оммавий ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи кенг тармоқли электрон тўлов-маълумот терминаллари (инфокиоскалар)ни ташкил қилиш тавсия этилсин.

6. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Ўзбекистон банклар уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда:

савдо-хизмат кўрсатиш корхоналарига турли хил рағбатлантирувчи дисконт ва бонус лойиҳаларини тадбиқ этиш, пластик карточкалардан тўловларни қабул қилувчи терминаллар билан жиҳозланган объектлар сонини кўпайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар қабул қилсин;

пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш терминаллари ўрнатилган барча савдо-хизмат кўрсатиш корхоналарида «UZKART» Банклараро тўлов тизимињинг логотипи мавжудлиги устидан доимий мониторингни амалга оширсин ва бунда терминаллар яхши ишлашига ҳамда пластик карточкалардан тўловлар бетўхтов қабул қилинишига алоҳида эътибор қаратсин.

7. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон банклар уюшмаси, Ягона умумреспублика процессинг маркази ва тижорат банкларининг буюртманомаларига кўра пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда хисоб-китобларни амалга оширишда ахолига хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун тегишли каналлар ва физик алоқа тармоқлари берилиши, шунингдек телекоммуникация хизматлари кўрсатилишини белгиланган тартибда таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив хужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош

вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 3 август,
ПҚ-433-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

310 Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунининг 21-моддасига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси куйидагиларга:

Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозогистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида 1996 йил 29 марта Москва шахрида имзоланган иқтисодий ва гуманитар соҳаларда интеграциялашувни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартномага;

Беларусь Республикаси, Қозогистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида 1998 йил 22 январда Москва шахрида имзоланган Транспорт уюшмасини тузиш тўғрисидаги Битимга;

1996 йилнинг 29 марта имзоланган иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги интеграциялашувни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартномада қатнашувчи давлатларнинг жисмоний шахслари томонидан пул ўтказмаларини амалга ошириш тартиб-қоидаларини соддалаштириш хақида 1998 йил 24 ноябрда Москва шахрида имзоланган Протоколга;

1996 йилнинг 29 марта имзоланган иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги интеграциялашувни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартномада қатнашувчи давлатлар ўртасида почта жўнатмалари ва эркин обуна ҳамда даврий нашрларни етказиб бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш хақида 1998 йил 24 ноябрда Москва шахрида имзоланган Протоколга;

1996 йилнинг 29 марта имзоланган иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги интеграциялашувни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартномада қатнашувчи давлатлар худудларида телевидение ва радио дастурларини тарқатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш хақида 1999 йил 26 февралда Москва шахрида имзоланган Битимга;

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида суурита соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги 2003 йил 27 апрелда Душанбе шахрида имзоланган Битимга;

Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятияга аъзо давлатларнинг кутубхона иши соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида 2003 йил 28 октябрда Москва шахрида имзоланган Битимга қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тар-

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

тиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Мазкур халқаро шартномалар Ўзбекистон Республикаси учун кучга киргандан сўнг:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун хужжатларига ушбу халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 август,
ПҚ-435-сон

— +
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

311 Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқ-лаштириш ва бошқаришни таомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида

Ўзбекистонда сўнгги йилларда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Замонавий саноат ишлаб чиқариши, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан ва техниканинг ғоят мухим илмий ва технологик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлар соҳасидаги 25 давлат илмий-техника дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Илмий-тадқиқот муассасаларини базавий таъминлаш тизимидан илмий-техник вазифаларни ҳал қилишга қаратилган максадли лойиҳаларни молиялашга ўтиш илмий жамоалар ижодий фаоллиги рабботлантирилишини, уларнинг саъй-харакатлари реал якуний натижаларга эришишга сафарбар қилинишини, фан ва техника тараққиётининг долзарб масалалари ҳал қилинишини, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлади. Илмий-техника соҳасида халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларга қарамай, илмий-техника салоҳиятининг ривожланиш даражаси ортиб бораётган талабларга, мамлакатда олиб бори-

лаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар суръатларига тўлиқ жавоб бермайди.

Илмий дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш, илмий-техника ишлари ни молиялаш механизми тубдан қайта қурилиши лозим. Давлат илмий-техника дастурлари, лойихалар иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ривожланиши учун масъул вазирликлар ва идораларнинг фаол иштирокисиз, чукур ва ҳар томонлама экспертизасиз, олимлар, мутахассислар томонидан кенг муҳокама қилинмай шакллантирилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Молиявий маблағларнинг тор доирадаги эксперталар хуносаси асосида тақсимланишини назарда тутувчи, мавжуд илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг грант тизими майда мавзуулар танланишига, илмий лойихалар тақрорланишига ва ажратилган маблағлардан самарасиз фойдаланилишига олиб келмоқда. Жумладан, агар 2000 йилда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 747 та илмий лойиха амалга оширилган бўлса, грант орқали молиялаш тизимиға ўтилгач, мазкур дастурлар доирасида ўрганилаётган мавзуулар сони 2 марта кўпайди ва 1515 тага етди.

Бугунги кунда фан докторлари ва номзодларининг 74 фоиздан кўпроғи ишлётган, илмий тадқиқотларнинг мустаҳкам моддий-техника базаси яратилган мамлакат олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш тизими сезиларли даражада тақомиллаштирилмоғи зарур. Олий ўқув юртларининг кафедралари, илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялари илмий-тадқиқот ва инновация ишларини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда етакчи бўғинга айланиши керак.

Илмий-техника тадқиқотлари натижаларини амалиётга жорий этишга оид ишларнинг аҳволи ҳам қониқарсизлигича қолмоқда.

+ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгашининг ишчи органлари ҳисобланган Йирик илмий ва инвестиция лойихаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ҳамда Фан ва технологиялар маркази ўртасида яқин ва самарали ҳамкорлик йўқ. Бу эса мавзууларнинг долзарблигига, олиб борилаётган тадқиқотлар сифатига салбий таъсир қилмоқда.

-

Мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техника тараққиёти бошқарувини эркинлаштириш, илмий тадқиқотлар, технологик ва конструкторлик ишланмалари даражаси, сифати ва долзарблигини ошириш, улардан самарали фойдаланиш учун шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг ижрочи органлари — Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойихаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши тутатилсин.

Тугатиш комиссияси 1-иловага* мувофиқ тузилсин, Тугатиш комиссияси белгиланган тартибда Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойихаларини экспертизадан ўтказиш кенгашини тутатсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузурида Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш кўмитаси ташкил этилсин (бундан кейин Кўмита деб юритилади):

Кўмитанинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Мамлакатни ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш вазифалари, замонавий фан ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан бирга фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиши;

* 1-илова берилмайди.

вазирликлар ва идораларнинг илмий-тадқиқот институтлари ва муассасалари, лойиха-конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари, Фанлар академиясининг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

илмий-техника дастурлари амалга оширилишини, шунингдек, илмий-тадқиқот ишлари натижалари иқтисод, ишлаб чиқариш, таълимнинг турли соҳаларида қўлла-нилишини самарали мониторинг қилишни ташкил этиш;

илмий-техника соҳасида ўзаро фойдали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакат илм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, республика илмий ташкилотлари, олимлари ва мутахассисларининг халқаро дастурлар ва илмий лойиха-лар танловларида қатнашиши учун кўмаклашиш.

3. Қўйидагилар тасдиқлансин:

Қўмита таркиби ва унинг Низоми 2*, 3-иловаларга** мувофиқ;

Қўмитанинг ташкилий тузилмаси 4-иловага** мувофиқ.

Қўмитанинг ижро аппарати бошқарув ходимларининг энг кўп сони 25 киши этиб белгилансин.

Қўмита раисининг ўринbosари — ижро аппарати раҳбари мақоми, моддий ва маший таъминот шароитлари бўйича вазир ўринbosарига тенглаштирилсин.

4. Белгилаб қўйилсан:

фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа вазирлик ва идораларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари томонидан фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилган илмий-техника дастурлари асосида олиб борилади;

давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари фонdlар, ҳомийлардан тушган маблағлар ва хўжалик субъектлари билан илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш бўйича тузилган шартномалардан тушган маблағлар молиялаш маңбалари хисобла-нади;

давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, етакчи тадқиқот марказларига, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик мауссасалари-га эга бўлган бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга ажратилади;

Инновация фан-техника фаолиятини молиялаштириш жамғармасини шакллантириш учун маблағ вазирликлар, идоралар, хўжалик хисобидаги тузилмалардан келиб тушадиган маблағлар, халқаро грантлар, тижорат банклари ва хорижий молия инситутларининг мақсадли имтиёзли кредитлари билан бир қаторда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан давлат бюджетидан ажратилади;

Фанлар академияси, вазирликлар ва идоралар тадқиқот ва инновация ишлари учун ажратиладиган бюджет маблағларини илмий-тадқиқот, таълим муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек, амалга ошириладиган илмий-техника лойихаларига илмий-техника лойихалари экспертизалари натижаларига қараб танлов асосида мустақил тақсимлайди.

5. Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, бошқа

* 2-илова берилмайди.

** 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

вазирлик ва идоралар тадқиқот ва таълим муассасалари, Фан ва технологиялар маркази ўртасида фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари соҳасида илмий-техника лойиҳаларни амалга ошириш учун ушбу қарор чиқишидан олдин тузилган шартномаларга мувофиқ буюртмачилар деб белгилансин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибиға фан бўйича вазир ўринбосари лавозими киритилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги таркибида илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимлари (сектор) ташкил этилсин, ҳар бир вазирликнинг бошқарув ходимлари сони 5-илювага* мувофиқ З нафарга кўпайтирilsин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги илм-фанни молиялаш бўлимига кўшимча З та штат бирлиги киритилсин.

7. Белгилаб кўйилсинки, ҳар йили аспирантура, докторантурага қабул қилинадиган шахслар сони Молия вазирлиги томонидан махсус ажратиладиган маблағлар доирасида ўрнатилган тартибда илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар томонидан аниқланади.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига аспирантлар ва талаба-магистрлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиатларини аниқлаш вазифаси юклансин. Номзодларни кўриб чиқиш ва стипендияларни молиялаш Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартағи 157 ва 2001 йил 17 августдаги 344-сон қарорларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда ўрнатилган тартибда Аспирантура (докторантурा) тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда икки ой муддатда илмий-тадқиқот, таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотларига эга вазирликлар ва идораларда бажариладиган Фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишларининг илмий-техника дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2006 йилда Фан ва технологиялар марказининг тутатилиши натижасида бўшайдиган бюджет маблағлари хисобидан Кўмита ижро аппаратини таъминлаш учун маблағ ажратсин;

2007 йилдан бошлаб Кўмитани жорий таъминлаш учун зарур бюджет маблағларини белгилangan тартибда кўзда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кўмита ижро аппаратининг Мустақиллик майдонидаги маъмурий бинода жойлашиши ва унинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3029-сон фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартағи «илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 77-сон қарори ўз кучини йўқотган деб хисобласин.

13. Адлия вазирлиги Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

* 5-илюва рус тилидаги матнда берилган.

лиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта ичида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига амалдаги қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин;

Идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштириши таъминласин.

14. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 август,
ПК-436-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

312 «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ягона сиёsatни шакллантириш, республика истеъмолчиларига табиий газни етказиб бериш ва сотиш бўйича самарали бошқарув тизимини яратиш, шунингдек, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва газ учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг:

худудий газтаъминоти корхоналарини (бундан кейин ХГК деб аталади) «Ўзкоммунхизмат» агентлиги таркибидан «Ўзбекнефтгаз» МХКга қарашли «Ўзтрансгаз» АК таркибиага ўтказиш;

барча тоифадаги истеъмолчиларни газ билан таъминлаш учун ХГК негизида «Ўзтрансгаз» АКнинг унитар корхоналари шаклида 6 та худудлароро корхона ташкил этиш орқали республика истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш ва сотиш бўйича ягона технологик тизимни яратиш;

худудлароро газ таъминоти корхоналарига «Ўзтрансгаз» АК шартнома топшириги асосида газ тақсимлаш тармоқларини ишлатиш ва табиий газни сотиш бўйича ваколатларни бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзтрансгаз» АКнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгилансин:
магистрал газ кувурлари, компрессор станциялари, ер ости газ омборлари, газ

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

таксимлаш тармоқлари ва ускуналарини ишлатишда хавфсизлик қоидаларининг меъёрий талабларига амал қилган ҳолда республика истеъмолчиларини белгиланган тартибда табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш;

магистрал газ қувурлари тизими ва газ таксимлаш тармоқларида ягона техник сиёсатни олиб бориш, бунда уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни ҳисобга олиш ҳамда табиий газни ташиш технологияси ва гидравлик балансига риоя этиш;

магистрал газ қувурлари тизими ва газ таксимлаш тармоқларида табиий газдан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

замонавий ҳисоблаш жиҳозлари ва усуllibарини жорий этган ҳолда сотилган газ қатъий ҳисоб-китоб қилиниши ва тушумнинг тўлиқ топширилишини таъминлаш, табиий газнинг исроф қилиниши ва асоссиз ишлатилишини камайтириш чораларини кўриш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ва газни ўғирлаш холларининг олдини олиш ва конунчиликка мувофиқ равишда бартараф этиш;

экспортга табиий газ етказиб бериш ҳажмини ошириш ва уни ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзтрансгаз» АКнинг ташкилий тузилмаси ва ижро аппарати тузилмаси, ходимларнинг умумий сони 157 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари 109 бирлик сифатида 1, 1а ва 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин;

«Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясининг худудлараро унитар корхоналари ва худудлараро унитар корхонанинг туман (шаҳар) бўлимлари намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсин:

«Ўзтрансгаз» АК «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишида тузилган шартнома ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Ўзтрансгаз» АКнинг худудлараро унитар корхоналари ҲГК шартнома ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

5. Идоралараро комиссия таркиби ва Ўзбекистон Республикасида газ таъмино-тизимини қайта ташкил этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар 5 ва 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Идоралараро комиссия (Э.Р. Шоисматов) «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Ўзтрансгаз» АК билан биргаликда:

икки ой муддатда худудий газтаъминоти корхоналарининг қабул қилинган молмулкини 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра инвентаризациядан ўтказсин ва конунчиликда белгиланган тартибда баҳоласин;

2006 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ҲГКни қайта ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин ва уларнинг негизида «Ўзтрансгаз» АКнинг худудлараро унитар корхоналарини ташкил этсин;

ҲГК қайта ташкил этилаётган даврда табиий ва суюлтирилган газ истеъмолчиларга узлуксиз етказиб берилиши, белгиланган техник ва ёнгин хавфсизлиги нормаларига риоя этилишини таъминласин;

«Ўзтрансгаз» АКнинг худудлараро унитар корхоналарини юқори малакали кадрлар билан таъминласин.

7. «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Мил-

* 1—4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 5-6-иловалар берилмайди.

лий банки ва «Ипотекабанк» АТИБ билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг хорижий кредитлар ва Ҳукумат қарорларига кўра берилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кредитлари бўйича қарз мажбуриятлари юзасидан кредит хужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирун.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юкорида кўрсатилган ўзгаришларни хисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси кафолатига тегишли қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирун.

8. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҲГКнинг берилаётган мулки «Ўзтрансгаз» АКнинг соликларини хисоблашда солик базасига қўшилмайди.

9. «Ўзтрансгаз» АК ва унинг бўлинмалари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҲГКнинг берилаётган автотранспорт воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганда Республика йўл жамғарасига йифимларни тўлашдан, шунингдек, етказиб берилган табиий газ учун қарзни ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқиладиган даъво аризалари бўйича олдиндан давлат божини тўлашдан озод қилинсин, давлат божи айборд томондан ундирилсин.

10. «Ўзбекнефтгаз» МХК ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни Вазирлар Махкамасига тақдим этсин.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август.
ПҚ-438-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

313 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

«Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига мувофиқ:

1. 2006 йилнинг 15 июнида Шанхай шаҳрида (XXР) имзоланган қўйидаги халқаро шартномалар тасдиқлансин:

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар худудида террорчиликка қарши биргаликдаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битим;

Терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби фаолиятга дахлдор шахсларнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар худудига суқулиб кириш йўлларини аниқлаш ва тўсиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим;

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий антитеррористик тузилмасида ахборотни техниковий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Битим.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати мазкур қарорда кўрса-тилган халқаро шартномалар сифатли амалга оширилиши учун жавобгар бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (В. Норов) Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибиятига мазкур қарорда қайд этиб ўтилган халқаро шартномалар кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси зарур бўлган ички давлат тартиб-коидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгилangan тартибда Ўзбекистон Республикасининг уларда кўзда тутилган мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаси Котиби М. Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 августа,
ПҚ-439-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

314 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2006 йил 15 июня Шанхай шаҳрида имзоланган таълим соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-коидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгилangan тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 9 август,
ПҚ-440-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

315 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 9 марта ПҚ-302-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 9 марта ПҚ-302-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органларида хизматни ўташ ҳақидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 4 апрелдаги 146-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазириning ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 1 август,
154-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 1 августдаги 154-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати тузилмаси» сўзлари ҳамда «1, 1а» рақамлари чиқариб ташлансан.

2. 2-бандинг биринчи хатбошидаги «3277» ва «188» рақамлари тегишли равища «3973» ва «200» рақамлари билан алмаштирилсан.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

3. 3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланади, унинг ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва ихтисослаштирилган божхона комплекслари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан тайинланади».

4. 8-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, шунингдек» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. 10-банddаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўzlари «Молия вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин.

6. 1-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

7. 4-иловада:

а) 11-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Давлат божхона қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланадиган Раис бошчилик қиласи.

Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва ихтисослаштирилган божхона комплекслари бошлиқлари эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан тайинланади.

Раис ўринbosарлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади»;

б) 17-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Божхона органларининг мансабдор шахсларига улар томонидан эгаллаб турилган лавозимларга ва хизмат муддатларига мувофиқ қўйидаги маҳсус унвонлар берилади:

кичик таркиб: божхона хизмати кичик сержанти, божхона хизмати сержанти, божхона хизмати катта сержанти;

ўрта бошлиқлар таркиби: божхона хизмати лейтенанти, божхона хизмати катта лейтенанти, божхона хизмати капитани;

катта бошлиқлар таркиби: божхона хизмати майори, божхона хизмати подполковники, божхона хизмати полковники;

юқори бошлиқлар таркиби: божхона хизмати генерал-майори, божхона хизмати генерал-лейтенанти, божхона хизмати генерал-полковники.

Маҳсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади»;

б) 18-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Божхона органлари мансабдор шахсларининг маҳсус унвонларда хизмат муддатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади»;

г) 25-банddаги «Ички ишлар органлари интизомий уставига татбиқан» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Божхона органлари интизомий уставига мувофиқ» сўzlари билан алмаштирилсин.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

316 **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси-
нинг Солик академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил
10 январдаги 16-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Солик академияси фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 3 июлдаги ПҚ-397-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Солик академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 10 январдаги 16-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 1-сон, 1-модда):

«Академия солик хизматлари учун кадрлар тайёрлаш тизимидағи ишларни мувофиқлаштиришни таъминловчи, давлат солик хизмати органлари кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича республика илмий-методик маркази ва олий таълим муассасаси ҳисобланади».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

—
Тошкент ш.,
2006 йил 1 август,
155-сон

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

317 **Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳукуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 28 февралдаги ПҚ-294-сон қарори талабларини бажариш ва Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш тартибини, шу жумладан йўловчи ташишда катнашувчи ҳайдовчилар таркибини тайёрлаш ва ўқитиш қоидаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларини хисобга олиш, имтиҳонларга рухсат бериш ва уларни ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Республика мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг марказий кенгashi, Ўзбекистон автомотоҳаваскорлар жамияти, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибидаги ҳамда мулкчиликнинг барча шаклларидағи ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртлари ўз фаолиятини мазкур қарор билан тасдиқланган низомлар талабларига мувофиқлаштиурсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги икки ой муддатда Республика мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг марказий кенгashi ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан ҳамкорликда барча тоифадаги ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурларини тўлиқ қайта ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

Бунда ўйловчи ташишда қатнашувчи ҳайдовчилар таркибини тайёрлашни таомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилсан.

4. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда:

ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи барча ўқув юртлари фаолиятини ўрнатилган ягона талаб ва тартиблар асосида мувофиқлаштириб борсин;

икки ой муддатда ҳайдовчиликка номзодлар ўқув юртини тугатганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг ягона намунасини ишлаб чиқиб тасдиқласин ва барча ўқув юртларини буюртмалар асосида таъминласин;

уч ой муддатда ўқув юртлари ўқув ва моддий негизининг намунавий нормативларини ҳамда уларга доир услубий тавсияларни ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби ва муддатини мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқсин ва такомиллаштириш чораларини амалга оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Махкамасига киритсан;

уч ой муддатда автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасининг халқаро талабларга мос бўлган такомиллаштирилган янги намунасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасига тақдим этсин;

ҳайдовчилик гувоҳномалари тўғрисидаги ягона электрон маълумотлар банкини юритсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш (малакасини ошириш), имтиҳондан ўтказиш ва уларга миллий хайдовчилик гувоҳномалари бериш тартиби тўғрисида» 1998 йил 19 октябрдаги 445-сон қарори 1-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари, шунингдек қарорга 1- ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов ва Йчки ишлар вазири Б.А. Матлюбов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 2 август,
156-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 2 августдаги 156-сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари
хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан
шуғулланувчи ўқув юртларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга
руҳсат бериш ва уларни ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини
бериш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом автомототранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга руҳсат бериш, Давлат ўйл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларида имтиҳонларни ўтказиш ва автомототранспорт воситаларини бошқариш хуқуқини берувчи хайдовчилик гувоҳномасини бериш тартибини белгилайди.

2. Барча транспорт воситалари ўз тури, вазифаси ва бошқарилиш хусусиятларига кўра «A», «B», «C», «D» ва «E» тоифаларига ҳамда трамвай ва троллейбусларга бўлинади. Уларни бошқариш учун берилган хайдовчилик гувоҳномасининг тегишли катагида руҳсат берувчи ёки транспорт воситасининг тоифаси ёзилган белги кўйилади.

3. Ҳайдовчилик гувоҳномасининг «A», «B», «C», «D» ва «E» катагида руҳсат берувчи белгиси бўлган шахслар қўйидаги транспорт воситаларини бошқариш хукуқига эга:

«A» — мотоцикл, мотороллер, моточана ва бошқа мототранспорт воситаларини;

«B» — руҳсат этилган тўла вазни 3500 килограммдан ёки ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиклар сони саккизтадан ортиқ бўлмаган, шунингдек улар базасида ишлаб чиқарилган қўл билан бошқариладиган автомобилларни;

«C» — руҳсат этилган тўла вазни 3500 килограммдан ортиқ бўлган юк автомобилларини;

«D» — йўловчи ташишга мўлжалланган, ҳайдовчи ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони саккизтадан ортиқ бўлган автомобилларни;

«E» — «B», «C», «D» тоифали тиркамали автомобилларни.

Трамвай ҳайдовчисига факат трамвай, троллейбус ҳайдовчисига факат троллейбус бошқаришга рухсат этилади.

Йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автомобилларга автобуслар, тегишли ўриндиқларга эга бўлган микроавтобуслар, ишлаб чиқарувчи завода серияли тайёрланган йўловчилар ташиш учун мўлжалланган юк автомобилларининг шассисидаги автофургонлар, шунингдек, йўловчилар ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари киради.

4. Ҳайдовчилар «B», «C» ва «D» тоифасидаги транспорт воситаларини рухсат этилган тўла вазни 750 килограммдан кўп бўлмаган тиркама билан ҳам бошқаришлари мумкин.

5. Ҳайдовчилар «B», «C» ва «D» тоифасидаги транспорт воситаларини тўла вазни 750 килограммдан ортиқ бўлган тиркама билан, шунингдек бўғимли автобусларни бошқарилари учун ҳайдовчилик гувохномасида «E» тоифасини бошқаришга рухсати бўлиши шарт.

II. Автомотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўкув юртларига қўйиладиган талаблар ва уларни ҳисобга олиш

+

6. Автомотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланмоқчи бўлган барча ўкув юртлари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ЎХХХ деб аталади) рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимлари (РИБ) ва туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмалари (ТРИБ) томонидан ҳисобга олинади.

Ўкув юртлари ҳисобга олиниши учун уларнинг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига (кейинги ўринларда ЎХХБ деб аталади) ёзма равишда мурожаат этади. ЎХХБнинг кўрсатмасига асосан текширув комиссияси томонидан ушбу ўкув юртларининг моддий-техника ва ўкув-методик базаси атрофлича кўриқдан ўтказилади.

7. Текширув комиссияси таркиби худудий Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (кейинги ўринларда ЎХХБ), ҳокимликлар қошидаги ҳаракат хавфсизлиги комиссияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг худудий бўлинмалари вакилларидан иборат бўлади.

8. Комиссия томонидан текширилаётган ўкув юртининг куйидаги талабларга жавоб бериши ўрганиб чиқилади:

ўкув хоналарининг юзаси 48 кв. метрдан кам эмаслиги, қишида иситилиши ва ёритилганлиги;

ўкув транспорт воситаларини сақлаш худуди ва уларни тузатиш учун алоҳида усти ёпик жой мавжудлиги;

ўкув хоналари моддий-техника базасининг автомотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида тўлиқ таъминланганлиги;

ўкув юртининг иш режасида кўрсатилган автомобилни бошқариш бўйича амалий машгулот дастурини тўлиқ ўзлаштириш учун унинг етарли даражада ёнилғимойлаш материаллари билан таъминланганлиги;

муҳандис-ўқитувчилар, амалий бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш усталарининг

-

маълумоти, билим даражаси, шунингдек ўқув хоналарининг ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дарсларини ўтишга тайёрлиги;

ҳайдовчиликка номзодларга амалий бошқаришни ўргатиш учун белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозланган ёпиқ майдонча, автодром мавжудлиги ёки ундан фойдаланиш шартномаси борлиги;

ўқув транспорт воситаларининг техник ҳолати, уларнинг қўшимча тепки(педал)лари ҳамда таниқлик белгилари билан жиҳозланганлиги ва бошқа масалалар.

Ўқув юртининг ўқув хоналари, улардаги жиҳозлар ва машқ автомобилларидан мулк ҳукуқи ёки ижара ҳукуқи асосида фойдаланилиши мумкин.

Мазкур комиссия томонидан ҳайдовчиларни қайта тайёрлаш билан шуфулланувчи ўқув юртлари ҳам ушбу талабларга мувофиқ ўрганиб чиқилади.

9. Комиссия томонидан ўқув юрти ушбу Низом талабларига тўлиқ жавоб бериши ўрганиб чиқилгач, текширув натижалари бўйича далолатнома тузилади ва худудий ЙХХБ бошлиqlари томонидан тасдиқланиб, ЙХХБГа тақдим этилади.

Далолатнома 4 (тўрт) нусхада тузилиб, худудий ЙХХБда, РИБ (ТРИБ)да, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг худудий бўлимида ҳамда ўқув юртида сакланади.

10. Ўрнатилган талабларга жавоб берган номзод ўқув юртлари ЙХХБ томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибида ҳисобга олинади.

11. ЙХХБда ҳисобга олинган ўқув юртлари раҳбарлари худудий ЙХХБ бошлиqlари билан ўқув гурухларининг сонини, назарий ва амалий машғулотларнинг бошланишини ва ўқиш муддатини белгилаб олади.

12. Транспорт воситалари ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш гурухларида номзодлар сони 30 кишидан зиёд бўлмаслиги керак.

13. Ўқув гурухларининг рўйхати машғулотлар бошланишидан аввал худудий ЙХХБ котибиятига тақдим этилади. Рўйхат РИБ (ТРИБ) томонидан ўқув гурухларини рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

14. ДҶХХХ РИБ (ТРИБ)ларида белгиланган тартибида ҳисобга олинган ўқув юртларининг ўқув моддий-техника базаси ва фаолияти ҳар йили камида бир марта атрофлича, ҳар бир ўқув гурухларининг ўқув жараёни эса ҳар ойда камида бир марта текширилади. Текширув натижалари бўйича далолатнома тузилиб, иш фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этмасдан келаётган ўқув юртларига тақдимнома юборилади.

15. Ўқув юрти ДҶХХХ РИБ (ТРИБ) томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этмай, назарий билими паст ва транспорт воситаларини бошқариш бўйича амалий машғулотларни яхши ўзлаштирумаган номзодларни ДҶХХХ имтиҳонига тақдим этадиган бўлса, у ҳолда бундай ўқув юртининг ўқув гурухларини ДҶХХХ РИБ (ТРИБ)ларида қайд этиш камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатилади.

16. Бундай ўқув юртларида ўқув гурухларини янгидан қайд этиш далолатномада кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг амалга оширилади.

17. ДҶХХХ РИБ (ТРИБ)ларида ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуфулланувчи ўқув юртлари бўйича назорат-кузатув жилди юритилади. Унга ўқув юртларининг моддий-техника базаси, ўқув автомобилларининг рўйхати, амалий машғулот ўтказиладиган йўл ҳаритасининг нусхаси, ўқув гурухларида дарсларни текшириш ҳақидаги маълумотлар, текшириш далолатномалари, йил давомида амалга оширилган ишларнинг таҳлили ва бошқалар тикиб борилади.

III. Давлат ҳаракати хавфсизлиги хизматида имтиҳонларга ва транспорт воситаларини бошқаришга рухсат бериш тартиби

18. «А», «В», «С», «ВС», «Д» ва «Е» тоифаларидаги транспорт воситаларини, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувохномасини олишни истаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЙҲҲББ билан келишилган, Олий ва йўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона ўкув режаси ва дастури асосида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрловчи ўкув юртларида ёки ташкилотларида (кейинги ўринларда ўкув юртлари деб аталади) тайёргарлиқдан ўтишлари шарт.

«А» тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувохномасини олиш учун мустақил тайёргарлик кўрган шахсларга ҳам ДЙҲҲ РИБ (ТРИБ)-ларида топширишга рухсат этилади.

19. Ҳайдовчилик гувохномасини олиш учун фуқаролар доимий ёки вактинчалик турад жойларидаги, мажбурий хизматга чакирилган ҳарбий хизматчилар эса хизмат жойларидаги ДЙҲҲ РИБ(ТРИБ)ларида топширадилар.

20. Алоҳида ҳолатларда (фавқулодда ҳолатлар юз берган вақтда, ўкув юртлари олиш жойларидан узоқ масофада жойлашган ҳудудларда ва ҳоказо), истиносно тариқасида, қабул қилиш жойи ёки муддати ЙҲҲБ раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

21. «А», «В», «С» ва «Д» тоифаларидаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувохномалари ДЙҲҲ РИБ (ТРИБ)ларида назарий ва амалий имтиҳонларни, трамвай, троллейбусларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувохномалари эса назарий имтиҳонларни топширган шахсларга берилади.

22. Бошқа тоифалардан «С» тоифасига қайта тайёрлашда назарий ва амалий имтиҳонлар топширилади. «Е» тоифаларига қайта тайёрлашда (агар охирги 12 ой мобайнida транспорт воситасини бошқарган бўлса) факат амалий топширилади.

23. Назарий имтиҳонда имтиҳон топширувчининг йўл ҳаракати қоидлари ва ўкув дастурида назарда тутилган фанлар бўйича билими текширилади.

24. Амалий имтиҳонда қайси тоифали транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини бериш учун олинаётган бўлса, топширувчининг факат шу тоифадаги транспорт воситасини бошқариш бўйича малакаси текширилади.

25. Амалий имтиҳонлар ўкув юрти томонидан тақдим этилган тегишли тоифадаги транспорт воситасида олинади. Бунда «Д» тоифали транспорт воситасида имтиҳон олиш ўрта (узунлиги 8,0-9,5 м.) ёки катта сифимли (узунлиги 10,5-12,0 м.) автобусларда ўтказилади.

Амалий олинадиган транспорт воситаларининг техник ҳолати ДЙҲҲнинг олувчи ходими томонидан кўздан кечирилиб, белгиланган талабга жавоб бериши текширилиши керак.

Трамвай ва троллейбус ҳайдовчилигига ўқиётган шахслардан амалий имтиҳонлар олишда ДЙҲҲ РИБ (ТРИБ)лари ходими қатнашиши шарт.

26. Олий ва йўрта маҳсус, касб-хунар ўкув юртларини касбий йўналиши автомототранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш учун тасдиқланган ягона ўкув дастурига киритилган фанларни тўлиқ ўқитилишини тақозо этган ихтисосликлар бўйича тутатган шахсларга «В» ёки «ВС» тоифали гувохномасини олиш учун имтиҳонлар топширишга рухсат этилади.

27. Ўкув муддати якунида мототранспортни бошқаришни ўрганувчи 16 ёшга; енгил ва юк автомобиларини бошқаришни ўрганувчи 18 ёшга; трамвай, троллейбус, автобуслар ва микроавтобусларни бошқаришни ўрганувчи 21 ёшга тўлган

шахсларга ДИХХХ РИБ (ТРИБ)да топширишга рухсат этилади. Ушбу Низомнинг 56-бандида кўрсатилган ҳолат бундан мустасно.

28. Махсус товушли ва ёруғлик сигналлари билан жиҳозланган ёки хавфли юкларни ташийдиган транспорт воситаларини бошқариш учун охирги уч йил, шунингдек, шаҳарлараро ва ҳалқаро йўналишда қатнайдиган автобусларни ва микроавтобусларни бошқариш учун охирги беш йил мобайнида тегишли тоифадаги транспорт воситаларида хайдовчи бўлиб ишлаган шахсларга рухсат этилади.

Тижорат асосида йўловчиларга хизмат кўрсатувчи енгил автомобилларни бошқариш транспорт воситаларини охирги уч йил мобайнида узлуксиз бошқарган шахсларга рухсат этилади. Уларнинг фаолияти муддатини белгилашда меҳнат дафтарчаликдан кўчирма, автотранспорт воситасини қайд этиш, ижара шартномаси ёки ишончнома асосида бўлади.

29. «С» ёки «D» тоифаларга оид транспорт воситаларини бошқариш учун бўлган аёлларга юк автомобилларини ёки автобусларни бошқариш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан белгиланган маълум чеклашлар (автомобилларнинг юк кўтариши 2,5 тоннадан, автобусда йўловчиларнинг сони 14 кишидан ошмаслиги керак) асосида рухсат этилади.

30. «ВС», «С» ёки «D» тоифали хайдовчилик гувохномасига эга бўлган, соҳисидаги иш фаолияти бир йилдан кам бўлмаган (шахсий автомобиль хайдовчилари учун охирги 24 ой мобайнида автомобиль бошқарган), ўкув юртларида тегишли дастурга мувофиқ қайта тайёргарликдан ўтган ва ДИХХХ РИБ (ТРИБ)ларида амалий топширган хайдовчиларга «Е» тоифасидаги транспорт воситаларини бошқариш хукуки берилади.

«Е» тоифасидаги транспорт воситаларини бошқариш хукукини олиш учун қайта тайёргарликдан ўтган «D» тоифасига эга бўлган хайдовчилардан амалий имтиҳонлар бўғимли автобусларда олинади.

31. «D» тоифасидаги транспорт воситасини бошқариш хукуки хайдовчилик фаолияти муддатидан қатъий назар, ўкув юртларида тегишли дастурга мувофиқ тўлиқ тайёргарликдан ўтиб, ДИХХХ РИБ (ТРИБ)ларида назарий ва амалий имтиҳонларни топширган шахсларгагина берилади.

32. Ҳар қандай транспорт воситаларини бошқариш хукукини берувчи хайдовчилик гувохномаси бўлган шахслар, 12 ойдан кўп вақт транспорт воситасини бошқармаган бўлсалар, иш берувчи томонидан улар ДИХХХ РИБ (ТРИБ)ларига назарий ва амалий топшириш учун юборилади. Имтиҳонларни ижобий топширган шахслар ташкилотларда камида 30 соатлик амалий бошқариш бўйича қўникма (стажировка)дан ўтганидан кейин, уларга транспорт воситаларини мустақил бошқаришига рухсат этилади.

33. Агар трамвай ёки троллейбус ҳайдовчилари 12 ойдан кўп вақт шу тоифали транспорт воситаларида хайдовчи сифатида ишламаган бўлсалар, ДИХХХ РИБ (ТРИБ)ларда назарий, ташкилот аттестация комиссияси томонидан уларнинг касбий билими ва бошқариш тажрибаси текширилиб, амалий имтиҳон олингандан сўнг, белгиланган йўналишларда (70—140 соатлик) амалий бошқарувдан ўтганларидан кейингина трамвай ёки троллейбусни мустақил бошқаришига рухсат этилади.

34. Автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, ҳалқаро йўналишларда йўловчилар ташиш фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган ҳайдовчилар юридик шахсларда белгиланган муддат ва йўналишларда (ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлган ҳайдовчилар учун — 30 соат, ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлмаган ҳайдовчилар учун — 60 соат) амалий бошқарувдан ўтганларидан кейин

гина тегишли тоифадаги автомобилларни мустақил бошқаришларига рухсат этилади.

35. Барча транспорт воситалари ҳайдовчилари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган муддатда, тижорат асосида йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар эса бир йилда бир марта мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

36. Агар ДИХХХ органлари ёки транспорт ташкилотларидағи мансабдор шахсларда ҳайдовчининг соғлигига нисбатан шубҳа туғилган бўлса, унга белгиланган муддатдан олдин касбига лаёқати бўйича тиббий кўрикдан қайта ўтиш учун ўйлланма берилиши мумкин.

37. Агар ҳайдовчи касбига лаёқати бўйича тиббий кўрикдан қайта ўтишдан бўйин товласа ёки у тиббий комиссия томонидан транспорт воситаларини бошқаришга нолойик деб топилса унга доир ҳужжатлар ДИХХХ ходими томонидан, белгиланган тартибда транспорт воситасини бошқариш хуқуқидан маҳрум этиш масаласини кўриб чиқиши учун суд идораларига юборилади.

Ҳайдовчини тиббий кўрикдан қайта ўтказиш ҳакида қарор ДИХХХ бўлинмаларининг бошлиғи ёки гурухларининг катта инспектори, улар бўлмаганида эса ички ишлар бўйими бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан кабул қилинади.

38. Ҳайдовчиларни транспорт воситаларини бошқариш хуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади. Транспорт воситаларини маст холда бошқарғанлиги учун ҳайдовчилик хуқуқидан маҳрум қилинган шахслар, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун маҳрум қилиш муддатидан қатъий назар, мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари ҳамда назарий ва амалий топширишлари лозим.

Бу ҳолда имтиҳон комиссиясининг қарорига мувофиқ ҳайдовчиликдан маҳрум қилинган бошқариш хуқуқига оид бирор тоифа бўйича, «D» тоифаси мавжуд бўлган ҳолатларда айнан «D» тоифа бўйича амалий имтиҳон олинади.

39. Биринчи маротаба ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун мурожаат килган барча хорижий фуқароларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш ушбу Низомда назарда тутилган умумий қоидалар асосида амалга оширилади.

IV. Имтиҳонларни ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини бериш тартиби

40. Имтиҳонларни қабул қилиш ва «A», «B», «C», «D», «E» тоифаларидағи транспорт воситаларини, шунингдек, трамвай, троллейбусларни бошқариш хуқуқини берувчи гувоҳномаларни бериш ДИХХХ РИБ (ТРИБ)лари томонидан амалга оширилади.

41. Барча тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш хуқуқини бериш учун назарий ва амалий имтиҳонларни (трамвай, троллейбусдан ташқари) ДИХХХ РИБ (ТРИБ)ларининг комиссиялари қабул қиласи.

42. ДИХХХ РИБ (ТРИБ)ларининг комиссияси таркиби камидан иборат бўлиши керак.

Комиссия таркибига:

ДИХХХ РИБ (ТРИБ)лар бошлиғи (комиссия раиси);

ўқув юртларининг ҳайдовчилар тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқитувчилари (топшираётган ўқув гурухи ўқитувчиси ва бир ўқув юритидан бир нафардан ортиқ ўқитувчи жалб этилмаслиги керак), автотранспорт корхонаси, мудофаа ишлари бўйими ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

43. Имтиҳон комиссияси аъзолари йўл ҳаракати қоидаларини ва имтиҳон олиш услугини билиши, амалий ва назарий олаётганлар эса, бундан ташқари, бошқариш бўйича малакаси текширилаётган тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш хукуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши шарт.

44. Ўқув гурухлари машғулотлар тугаганидан сўнг ҳайдовчиликка номзодларнинг ўқув жараённида дастурда кўрсатилган барча фанларни ўзлаштирганликлари тўғрисидаги маълумотлар ДИХХХ ходимлари томонидан текшириб чикиласди ва уларнинг рўйхати ДИХХХ РИБ (ТРИБ)лардаги рўйхат билан солиштирилади ҳамда ҳайдовчининг варақасида РИБ (ТРИБ)лар ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

45. Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини олиш учун ҳайдовчиликка номзодлар ДИХХХ РИБ (ТРИБ)ларга куйидаги хужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш учун дастурлар бўйича ўқиши тугатганлиги ҳакидаги гувоҳномани (ушбу Низом 18-бандининг иккинчи хатбошида ҳамда 26-бандида назарда тутилган шахслардан ташқари);

б) диплом ва ўқув дастуридаги фанларни ўтганлиги тўғрисидаги диплом варақасидан кўчирманинг нотариал идоралари томонидан тасдиқланган нусхалари (ушбу Низомнинг 26-бандида назарда тутилган шахслар учун);

в) ўлчами 3,5 x 4,5 см бўлган 2 дона фотосурат;

г) соғлиги тўғрисида маълумотнома;

д) банк муассасаларига топшириш ва ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун тўловлар тўланганлиги ҳакидаги тўлов қофози (тўловлар миқдори Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади);

е) ўқув юрти томонидан тўлдириб тасдиқланган ҳайдовчининг имтиҳон варақаси ва фуқаронинг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи бошқа хужжат.

46. Имтиҳонлар куйидаги тартибда ўтказилади: аввал — назарий, кейин — амалий.

Назарий имтиҳон топшира олмаган шахслар амалий имтиҳонларга қўйилмайди.

47. Ўқув юртларида автомототранспорт воситаларини бошқаришга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсини ўтган шахслардан такоран имтиҳонлар камида 10 кундан сўнг олинади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонининг дубликатини олиш, гувоҳномадан маҳрум қилинганлик ёки уни алмаштириш ва бошқа шу каби ҳолатлар учун ДИХХХ РИБ (ТРИБ)лар имтиҳонига киритилган шахсларнинг қайта имтиҳон топширишларига 5 кундан сўнг рухсат этилади.

48. Назарий имтиҳонларда олинган ижобий баҳо 2 ой давомида ҳақиқий деб ҳисбланади. Агар ҳайдовчиликка номзод ушбу муддатда амалий имтиҳонларни топшира олмаса, у яна қайта назарий имтиҳонга юборилади.

49. «А» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун мустақил тайёргарлик кўрган шахслар назарий ва амалий имтиҳонларни иккинчи маротаба (15 кундан кейин) топшира олмаган тақдирда, уларнинг имтиҳон варақаси тақдим этилган хужжатлари билан бирга олиб қўйилади ва яшаш жойидаги худудий ДИХХХ РИБ (ТРИБ)ларда имтиҳон топшира олмаганлар картотекасига киритилади.

Мазкур шахслар ДИХХХ имтиҳонларига ҳайдовчиликка тайёрловчи ўқув юртларини белгиланган тартибда тамомлаганларидан кейингина қўйиладилар.

50. Йўл ҳаракати қоидалари ва амалий бошқариш бўйича натижалари ҳайдовчилик имтиҳон варақасига ёзилади ҳамда имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома имтиҳонда қатнашган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва ДИХХХ РИБ (ТРИБ)лари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

51. Назарий ва амалий имтиҳонларни топширган шахсларга мазкур баённома асосида ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони ёзиб берилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони қайд этиш китобига серияси ва тартиб рақамини ўсиши бўйича ёзилади ҳамда имтиҳон варакасига қайд этилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонидаги ёзувлар маҳсус сиёҳ билан ёки бошқа техник воситалар билан ёзилади.

52. Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони берилшишининг асослилиги ва тўғри тўлдирилганлиги имтиҳон комиссияси раиси (РИБ (ТРИБ)лар бошлифи) томонидан текширилиб, имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони берилганида шахснинг ўқув юртими тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳномасига ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талонининг серияси, рақами, қаҷон ва ким томонидан берилганлиги ёзиб қўйилади.

53. Ҳайдовчилик гувоҳномасидаги бошқарилиши руҳсат этилган транспорт воситалари тоифаси катакларига лотин графикасида «RUXSAT» ва инглиз тилида «ENABLE» белгилари қўйилади. Ғайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонидаги бошқарилишига руҳсат берилмаган транспорт воситалари тоифасининг катакларига диагонали бўйича чизик тортилади.

54. Трамвай ва троллейбусларни бошқариш хуқуқига руҳсат берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда «Алоҳида белгилар учун» катагига транспорт воситаларининг тегишли тоифаси кўрсатилган ёзувли тамға қўйилади.

55. Тиббий комиссия томонидан қайта текширувдан ўтиш муддати белгилangan шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини беришда «Алоҳида белгилар учун» катагига «Тиббий маълумотнома мажбурий» деган муҳри қўйилади.

56. Мудофаа вазирлиги томонидан транспорт воситалари ҳайдовчилари мутахассислиги бўйича ўқишга жалб этилган чақирилувчилар ўқишини тугатганларидан сўнг, 18 ёшга тўлмаган бўлсаларда, ДЙХХ имтиҳонларига киритиладилар.

Уларга, назарий ва амалий имтиҳонларни топширганларидан сўнг, тегишли тоифадаги («В», «С» ёки «ВС») транспорт воситаларини бошқариш хуқукини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони берилади.

Бунда «Алоҳида белгилар учун» катагида унинг эгасига қайси муддатдан (18 ёшга тўлганидан кейин) автомобиль бошқариш хуқуқига эга эканлиги кўрсатилади.

57. Ҳайдовчилик гувоҳномаси фақат унинг эгасига берилади. Мазкур шахс паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни кўрсатиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони бериладиган китобга шахсан имзо қўяди.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси ваколатнома (ишончнома) билан берилмайди.

58. Озодликдан маҳрум қилиниб жазо муддатини ўтаётган, лекин транспорт воситаларини бошқариш хуқуқидан маҳрум қилинмаган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси жазони ижро этиш муассасаси раҳбариятининг илтимосномасига асосан (ҳайдовчилик гувоҳномаси сақланаётган) ДЙХХ РИБ (ТРИБ) томонидан ушбу муассасага юборилиши мумкин.

V. Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини алмаштириш ҳамда йўқолганлари ўрнига бошқасини бериш тартиби

59. Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони белгилangan тартибда ариза, эски ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони ҳайдовчининг имтиҳон варакаси ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини берган ҳудудий ЙХХБ тасдиқномаси, тиббий маълумотнома ҳамда фуқаронинг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилганидан сўнг алмаштирилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси алмаштирилганида унинг талони алмаштирилиши шарт.

60. Транспорт воситаларини охирги 12 ой давомида бошқарган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари тегишли имтиҳонларсиз алмаштирилади.

61. Қўйидагилар транспорт воситаларини 12 ой мобайнida бошқарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб ҳисобланиши мумкин:

а) ишлаётган ҳайдовчилар учун меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки ишлаётган жойида унга бириктирилган автотранспорт тури кўрсатилган маълумотнома (буйрукдан кўчирма);

б) шахсий транспорт ҳайдовчилари учун уларга тегишли бўлган транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги қайд этиш гувоҳномаси;

в) ишончнома ёки ижара шартномаси билан автомобиль бошқарган шахслар учун автомобиль рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги қайд этиш гувоҳномаси ва уни бошқариш учун нотариал идора томонидан тасдиқланган ишончнома ёки ижара шартномаси.

62. Транспорт воситасини охирги 12 ой давомида бошқармаган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари назарий ва амалий имтиҳон топширганларидан сўнг алмаштирилади.

Бунда бир неча тоифадаги транспорт воситаларини бошқаришга руҳсати бўлган шахслардан имтиҳон комиссиясининг қарорига кўра «В» ёки «С» тоифали транспорт воситасида, «D» тоифали автотранспорт воситасини бошқариш хуқуки бўлган шахслардан эса фақат «D» тоифасидаги транспорт воситасида амалий имтиҳон олиниади.

— +
63. «C», «BC», «D», «CD», «CDE», «CE», «DE» тоифаларига тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлган ва охирги 12 ой мобайнida транспорт воситасини бошқармаган, қўшимча «A» ёки «B» тоифаларини олиш учун мурожаат қилган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришда, улардан назарий имтиҳон ҳамда гувоҳномада мавжуд тоифалардан биттаси бўйича («D» тоифали автотранспорт воситасини бошқариш хуқуки бўлган шахслардан эса айнан «D» тоифасидаги транспорт воситаси бўйича), шунингдек сўралаётган «A» ёки «B» тоифадаги транспорт воситаси бўйича амалий имтиҳон олиниади. Олинган барча имтиҳонлар натижаси имтиҳон комиссияси баённомасига киритилади.

64. Эски намунадаги «B» «Ёлланиб ишлаш хуқуқига эга эмас» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси «B» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига назарий ва амалий имтиҳон топширилганидан сўнг алмаштирилади.

65. Бир неча тоифали транспорт воситаларини бошқаришга руҳсати бўлган шахс ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришда ўз хоҳишига кўра мавжуд тоифалардан бирортасини ёки тиббий кўрик хулосасига кўра белгиланган тоифалардан руҳсат этилганини олиши мумкин.

Бунда амалий имтиҳон ўз хоҳиши билан қолдирган (ёки тиббий кўрик хулосасига кўра руҳсат этилган) транспорт воситаси тоифаси бўйича олиниади ва берилаётган ҳайдовчилик гувоҳномасида фақат ушбу тоифага руҳсат белгиси қўйилади. Ҳайдовчининг аввал эга бўлган тоифаларини кайта тиклаш ушбу Низомнинг 59-62-бандларидаги талабларга мувофиқ, унинг аризаси асосида амалга оширилади.

66. Яроқсиз ҳолга келган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони ушбу Низомнинг 59-64-бандларига мувофиқ алмаштирилади.

67. Ҳайдовчилик гувоҳномаси алмаштирилганда янги берилаётган гувоҳноманинг «Алоҳида белгилар учун» ажратилган катагига биринчи маротаба олган эски гувоҳноманинг серияси, тартиб рақами ва берилган куни ёзиб қўйилади.

68. Тиббий кўрик маълумотномаси ва ҳайдовчининг имтиҳон варақаси барча реквизитлар тўлдирилганидан сўнг янги ҳайдовчилик гувоҳномаси билан бирга эгасига қайтариб берилади.

69. Йўқолган (ўғирланган, ёнгин, табиий оғат оқибатида ва бошқа холларда) ҳайдовчилик гувоҳномаси (ёки унинг талони) дубликати ҳайдовчининг аризаси, имтиҳон варақаси, тиббий маълумотнома, зарур холларда, ўқишни тамомлаганлиги ҳакидаги ўкув юртининг гувоҳномаси ёки ДИХХ РИБ (ТРИБ)ларининг тасдикномаси асосида берилади.

70. Ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликатини расмийлаштириш давомида бир ой муддат билан вақтнчалик руҳсатнома берилади. Тасдиқловчи хужжатлар олингунга кадар вақтнчалик руҳсатнома муддатини яна бир ойгача узайтириш мумкин.

71. Истисно тариқасида, худудий ЙХХБ бошлигининг руҳсати билан, яшаш жойи ўзгариши, хизмат сафари, даволаниш ва бошқа сабабларга кўра Ўзбекистон худудидан ташқарига чиқиб кетаётган фуқароларга ҳайдовчилик гувоҳномаларининг дубликатлари, ДИХХ бўлинмалари ёки РИБ (ТРИБ)лар картотекалари бўйича қайта текширувдан сўнг, мазкур Низомнинг 70-бандида кўрсатилган муддатдан олдин ёзиб берилиши ҳам мумкин.

72. Йўқолган ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликати назарий ва амалий имтиҳонлар топширилганидан ҳамда транспорт воситасини бошқариш хукуқидан маҳрум этилган ҳайдовчилик гувоҳномалари картотекаси бўйича текширилганидан сўнг берилади.

Ўғирланган, ёнгин, табиий оғат оқибатида ва бошқа шу каби сабабларга кўра йўқолган ҳамда дахлдор ваколатли идораларнинг хужжатлари билан тасдиқланган ҳолатлар бундан мустасно.

73. Гувоҳноманинг дубликати расмийлаштирилаётган вактда берилган вақтнчалик руҳсатнома алоҳида дафтарга қайд этилади ва гувоҳнома нусхаси берилгандан кейин ушбу руҳсатнома асос бўлган хужжатларга тикилади.

74. Ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига дубликат гувоҳнома берилганидан кейин, йўқолган гувоҳнома топилган тақдирда, у ҳақиқий эмас деб хисобланади ва ДИХХ РИБ (ТРИБ)ларга йўқ қилиб юбориш учун топширилиши керак.

75. Эски нусхадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари янги нусхадаги ҳайдовчилик гувоҳномаларига умумий асосларда алмаштирилади.

76. Узлуксиз ҳайдовчилик меҳнат фаолияти 10 йилдан ортиқ бўлган «ВС» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини «ВСЕ» тоифага алмаштириш «Е» тоифага 10 соат тиркамали автомобилда қўшимча амалий бошқаришни ўтганликлари ҳақида ўкув юртларидан берилган маълумотнома ва ҳайдовчининг меҳнат дафтарчасидан кўчирма асосида назарий ва амалий имтиҳон топширганларидан сўнг амалга оширилади.

77. Халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автомототранспорт воситаларини бошқариш учун ҳақиқий хисобланади. 1968 йилдаги Йўл ҳаракати ҳакидаги Вена Конвенцияси талабларига жавоб берадиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган таржимаси мавжуд бўлганда ҳақиқий хисобланади.

78. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлат элчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг, дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг ходимлари, Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда бошқа халқаро ва хорижий ташкилотлар ходимларининг (ўзаро келишув асосида) Вена конвенцияси талабаларига

+

-

жавоб бермайдиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари тиббий кўриксиз ва имтиҳонлариз Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги мурожаати асосида алмаштириб берилади.

79. Бошқа хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий давлатларда олган ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштиришдан олдин улар ЙХХББ орқали Ташки ишлар вазирлигига текширилади. Текшириш натижасида тасдиқ олинган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари, улар тиббий кўриқдан ўтиб, назарий ва амалий имтиҳонларни топширганларидан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларига алмаштирилади.

VI. Ҳайдовчилик гувоҳномалари ва уларнинг талонларини ҳамда бошқа бланкаларни тайёрлаш, таъминлаш ва ҳужжатларни сақлаш тартиби

80. Ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талонлари бланкалари ЙХХББ буюртмасига асосан тайёрланади. Буюртма 1,5 йиллик доимий захирани бўлишини инобатга олиб берилади.

81. Ҳайдовчилик гувоҳномалари ва унинг талонлари бланкалари жойлардан тушган буюртмаларга асосан ЙХХББ томонидан тарқатилади.

82. Ҳайдовчилик гувоҳномалари ва унинг талонлари ҳамда қатъий ҳисобот бланкалари ва рақам белгиларининг кирим ва чиқимлари ҳисобот дафтарида қайд этилади.

83. Ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда талонларнинг бланкалари қатъий ҳисобот ҳужжатлари тариқасида сақланади.

84. Тўлдириш жараёнида бузилган ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талонларни қайта ишлатмаслик учун уларнинг серияси ва рақами қирқиб олиниб, навбатдаги тафтишда ёкиш йўли билан йўқ қилинади ва ушбу ҳақда тузилган далолатномага ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талонининг қирқиб олинган серия ва рақами ёпиштириб кўйилади.

85. Тиббий кўрик хulosаси асосида транспорт воситаларини бошқариш хукуқидан четлатилган, йўқолгани ўрнига дубликати берилгандан сўнг топиб олинган, маҳрум этилган муддатдан кейин икки йил давомида талаб қилиб олинмаган, вафот этган фуқароларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари ва (ёки) талонлари навбатдаги тафтишда белгиланган тартибда йўқ қилинади.

86. Мазкур Низомда назарий ва амалий имтиҳонлар ўткизиш тартиби учун кўзда тутилган бланкалар Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шахар ИИББ ва вилоятлар ИИБларининг ЙХХБлари томонидан тайёрланади.

87. Ҳайдовчилик гувоҳномасини (талонини) бериш учун асос бўлган ҳужжатлар (ариза, эски ҳайдовчилик гувоҳномаси (талони), тўлов қофозлари ва бошқалар) ҳамда ўқув гурухларидаги ўқувчиларнинг рўйхати алоҳида иш ҳужжатлари сифатида тикилади ва белгиланган тартибда икки йил сақланади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси (талони)нинг ўрнига янгиси берилганида эски ҳайдовчилик гувоҳномасига «Бекор қилинади» штампи қўйилиб, бошқа асос бўлувчи ҳужжатлар билан бирга тикилади.

Имтиҳон комиссияси баённомалари — 10 йил, ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш китоби — 60 йил ДИХХ РИБ (ТРИБ)ларида белгиланган тартибда сақланади.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, улардан имтиҳон олиш, ҳайдов-

чилик гувохномалари ва талонларини бериш билан боғлиқ бўлган барча иш юритиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган намуналар асосида олиб борилади.

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 2 августдаги 156-сон қарорига
2-ИЛОВА

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси худудида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фаолияти билан шугулланаётган барча (янги очилаётган) ўкув юртлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда ўкув юртлари деб аталади) учун ягона ва мажбурий хисобланади.

II. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш

2. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш қўйидаги таълим тизимидан иборат:

а) «A», «B», «C», «BC» ва «D» тоифаларидағи автомототранспорт воситалари ни бошқариш учун ушбу тоифалар бўйича шахсларни тайёрлаш алоҳида ўкув режаси ва дастурига мувофиқ олиб борилади.

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш:

соғлиги маҳсус тиббий талабларга жавоб берган;

маълумоти — умумий ўрта таълим маълумотидан кам бўлмаган;

ўкув мuddати якунида «A» тоифа олишлари учун — 16 ёш, «B» ва «BC» тоифалари учун — 18 ёш, автобус ва микроавтобус, трамвай ва троллейбусларни бошқаришни ўрганувчилар учун — 21 ёшга тўладиган шахслар билан олиб борилади.

б) «B», «C», «D» ва «E» тоифасидаги автотранспорт воситаларини бошқарувчи ҳайдовчиларни бошқа тоифага қайта тайёрлаш тегишли ўкув режаси ва дастурига мувофиқ ташкил қилинади.

в) «C» тоифасидаги автотранспорт воситаларини бошқариш учун қайта тайёрлаш «B», «D» тоифаларидағи автотранспорт воситаларини бошқариш хукуқига эга ҳайдовчиларидан ташкил қилинади.

3. Соғликни саклаш муассасалари томонидан енгил автомобилларни бошқаришга лаёқатли деб топилган ногирон шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлари вазирлигининг Йўл харакати хавфсизлиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда ЙХХББ) билан хамкорликда ишлаб чиқилган маҳсус ўкув дастурлари асосида амалга оширилади. Кар, кар-соқов шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш умумий ўкув дастури асосида сурдотаржимон билан амалга оширилади.

4. Трамвайларни, троллейбус ва бўғимли троллейбусларни бошқариш учун ҳайдовчиларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим

вазирлиги томонидан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва ЙХХББ билан биргалиқда ишлаб чиқилиб тасдиқланган ягона ўқув режаси ва дастури асосида амалга оширилади.

5. Аёлларни «ВС» ва «D» тоифалари тайёрлашни ташкил қилишда юк автомобилларининг юк кўтариши 2,5 тоннадан ва автобусларнинг йўловчилар ташиш учун рухсат этилган сони 14 кишидан ошмаслиги керак.

6. Ўқув юртларида автомототранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ягона ўқув режаси ва дастурларига асосан олиб борилади.

Автомототранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муддатлари, тасдиқланган режа ва ўқув дастурлари юкламасига асосан белгиланади.

7. Автотранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув юртларида олиб борилаётган ишлар уларнинг раҳбарлари томонидан назорат қилиб борилади, улар томонидан назарий ва амалий машғулот дарслари ташкил этилади, қайта тузилади ва тасдиқланади.

8. Автомототранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланмоқчи бўлган таълим муассасалари худудий Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошкармалари (кейинги ўринларда ЙХХБ) РИБ (ТРИБ)ларида хисобга олинган бўлишлари шарт.

9. «A», «B», «BC», «C» ва «D» тоифаларидаги автомототранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш учун номзодларни ўқув юртларига қабул қилиш қўйидаги ҳужжатларга асосан ташкил этилади:

- а) ташкилотлар йўлланмаси (улар томонидан ўқишга юборилган шахслар учун);
- б) соғлиги ва керакли тоифалардаги транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома;
- в) 3,5x4,5 сантиметрли 3 дона фотосурат;
- г) маълумоти тўғрисидаги ҳужжат;
- д) паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошка ҳужжат.

10. Ҳайдовчиларни «C» ва «E» тоифаларидаги автотранспорт воситаларини бошқариш учун қайта тайёрлашда, улар томонидан 9-бандда кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам тақдим этилади.

Ҳайдовчиликка номзодларни ўқишга қабул қилиш, гурухдан гурухга ўтказиш, уларни рўйхатдан чиқариш ва таълим якуни ўқув юрти раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

11. Автомототранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларининг гурухлари даги ҳайдовчиликка номзодлар сони 30 кишидан ошмаслиги керак. Ўқув юртларининг раҳбарлари гурухларда машғулотлар бошланишидан аввал ўқув гурухларидаги ўқувчиларнинг рўйхатини тузишлари ва ЙХХБ котибиятига тақдим этишлари лозим.

12. Ўқув-тарбия жараёни назарий ҳамда лаборатория-тажриба машғулотларидан, автомототранспорт воситаларини бошқариш бўйича амалий машқлардан ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганишдан иборат бўлади.

Ўқув-тарбия жараёни назарий ҳамда лаборатория-тажриба машғулотларидан, автомототранспорт воситаларини хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастури билан белгиланади.

13. Ўқув режаси ва дастурларида назарда тутилган барча дарслар тасдиқланган дарс жадвалига асосан, автомототранспорт воситаларини бошқариш машғулот-

лари эса белгиланган жадвал бўйича ҳудудий ЙҲХБ билан келишилган йўналишларда ўтказилади.

14. Барча машғулотлар дарс журналларида қайд этилади, автомототранспорт воситаларини бошқариш эса, бундан ташқари йўл варақалари, автомототранспорт воситаларини бошқаришни ва автотренажёрларда ўтказилган машғулотларни ҳисобга олиш китобчасида қайд этилади.

III. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёrlаш ва қайта тайёrlаш билан шуғулланувчи ўкув юртлари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш

15. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёrlаш ва қайта тайёrlаш билан шуғулланувчи барча ўкув юртларининг фаолиятини назорат қилиш конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёrlаш ва қайта тайёrlаш билан шуғулланувчи барча ўкув юртлари ва уларнинг тегишли мувофиқлаштирувчи ва юқори ташкилотлари:

ҳайдовчи кадрларни ўқитиш сифатини яхшилаш ва таълим-тарбия тадбирларини амалга оширадилар;

ўкув юртларининг ўкув-моддий базасини мустаҳкамлаш, автомототранспорт воситаларини тузатиш ва техник қаровини таъминлаш ишларини назорат қиласидилар;

ҳайдовчиларни тайёrlаш ва қайта тайёrlашни мукаммаллаштириш учун илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва тавсияномалар тайёrlашда иштирок этадилар;

ўкув юртларида ходимларни, муҳандис-ўқитувчилар, амалий бошқарув усталири ва бошқа мутахассис ходимларнинг малакаларини ошириш, аттестациядан ўтказиш ишларини амалга оширадилар;

ўкув юртларининг ҳайдовчиларни тайёrlаш ва қайта тайёrlашда эришилган ютуқларини ўрганадилар ва тарғиб қиласидилар.

17. Раҳбар ходимлар, ўқитувчи-муҳандислар ва ишлаб чиқариш усталарининг асосий вазифалари малака тавсифномаларида акс эттирилиб, тасдиқланган қоида ва ўйриқномаларда ифода этилади.

18. Лаборатория-тажриба машғулотларини ўтказиш учун ишлаб чиқариш усталири лавозимига олий ва ўрта маҳсус автомототранспорт мутахассислигига ва амалий ишлаб чиқариш тажрибасига эга шахслар тайинланади.

19. Автомобилни бошқариш амалий машқ усталари лавозимига билими ўрта маълумотдан кам бўлмаган, тегишли тоифадаги автомототранспорт воситасида узлуксиз уч йил («D» тоифасидаги транспорт воситасида узлуксиз 5 йил) ҳайдовчилик фаолиятига, шунингдек автомобилни бошқаришни ўргатиш услубини маҳсус ўкув курсларида тугатганлиги хақидаги гувоҳномага эга бўлган шахслар тайинланади.

20. Автомототранспорт воситаларининг тузилиши ва уларни тузатиш, техник қаровини ўтказиш фанларидан дарс берувчилар автотранспорт мутахассислиги бўйича олий ёки ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлишлари керак. Йўл ҳаракати қоидалари, автотранспортни бошқариш асослари ва йўл ҳаракати хавфсизлиги фанларидан дарс берувчи ўқитувчилар, қўшимча равишда, автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳукуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари шарт.

21. Ўкув юртларининг ходимлари, муҳандис-ўқитувчилари, амалий бошқарув усталари ҳамда бошқа мутахассис ходимлари ўкув юртларининг мувофиқлаштирувчи ва юқори ташкилотлари томонидан касбий яроқлилиги бўйича камида 3 йилда бир

марта аттестация синовларидан ўтказилади ва натижалари худудий ЙХХБ РИБ-(ТРИБ)ларга тақдим этилади. Хусусий мулк асосида ташкил этилган ва мувофиқлаштирувчи ёки юқори ташкилотлари мавжуд бўлмаган ўқув юртларининг тегишли мутахассис ходимлари касбий яроқлилиги ЙХХБ РИБ(ТРИБ)лари томонидан белгиланган тартибда ҳар йили ўтказиладиган текширишлар давомида аниқланади.

22. Ўловчи ташиш билан шуғулланувчи автотранспорт воситалари ҳайдовчилари бир йилда бир марта 30 соатлик дастур асосида машғулот ўтишлари шарт.

IV. Ўқув юртларининг ўқув-методик базаси

23. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрловчи ва қайта тайёрловчи барча ўқув юртлари ўқув хоналарига, замонавий жихозланган, амалий тажриба машқлари ўтказиладиган лабораторияларга, устахоналарга, ўқув-техник ускуналарига, ўқув кўргазмаларига, ўқув автодромига ёки автомототранспортни бошқариш машқларини ўтказиш учун ёпиқ майдонга ва ўқув транспорт воситаларига эга бўлишлари керак.

24. Ўқув юртлари замонавий автомототранспорт воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, ускуналар, автомобиль эҳтиёт қисмлари ва асбоблари билан таъминлаш ишларини амалга оширадилар.

25. Ўқув юртлари моддий базасининг намунавий нормативлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг услубий тавсиялари асосида белгиланади.

26. Ўқув юртларига қарашли барча автомототранспорт воситалари белгиланган тартибда ЙХХБ РИБ(ТРИБ)да рўйхатдан ўтказилади.

+

V. Ўқув юртларини битириш имтиҳонлари

27. Ўқув юртларининг ички синовларидан ўтган ҳайдовчиликка номзодлар ЙХХБ РИБ (ТРИБ)ларда имтиҳон топширадилар. Имтиҳон олиш вақти ЙХХБ РИБ (ТРИБ) томонидан ўқув ташкилотининг мурожаатига асосан олдиндан белгиланади.

28. Ўқув юртида имтиҳон қабул қилиш учун раҳбар буйруғи билан раис ва икки кишидан иборат имтиҳон комиссияси тузилади. Қўшимча равишда комиссия аъзолари таркибига муҳандис-ўқитувчилар, ишлаб чиқариш усталари, агар ҳайдовчилар ташкилот учун тайёрланаётган бўлса, шу ташкилотнинг вакили ҳам киритилиши мумкин.

29. Имтиҳонга қўйиладиган ҳайдовчиликка номзодлар тасдиқланган ўқув режаси ва дастурини тўлиқ ўқиб тугатган ва барча фанлардан ижобий якунловчи баҳо олган бўлишлари керак.

Ҳайдовчиликка номзодларнинг назарий фанлардан олган билими беш баллик баҳо мезони билан, амалий эгаллаган маҳорати ва тажрибаси «топширди» ёки «топширмади» мезони билан белгиланади.

30. Барча тоифадаги автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув гурухларининг назарий имтиҳонлари ЙХХББ рухсат берган ва тасдиқлаган имтиҳон билетларига асосан ўтказилади.

31. Имтиҳонлардан ўта олмаган ўқувчилар, ўқув юртида қўшимча тайёргарлик кўргач, қайтадан имтиҳон топширадилар.

32. Имтиҳонлар натижаси ҳақида имтиҳон комиссияси раиси ва аъзолари томонидан баённома тўлдирилади, сўнгра ўқув юрти раҳбари томонидан имзоланади ҳамда муҳр билан тасдиқланади.

33. Ўқув юртининг имтихон ва синовларидан муваффақиятли ўтган номзодларга имтиҳон комиссияси баённомасига асосан ўқиши битирганларни ҳақидаги ягона намунадаги гувоҳнома берилади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқиб тасдиқланган ягона намунадаги гувоҳнома хайдовчиликка номзодлар учун ўқиши тугатганлигини тасдиқловчи хужжат бўлиб, худудий кодга, серия ва рўйхат рақамига эга бўлиши ҳамда буюртма асосида босма усулда тайёрланиши лозим.

34. Автомотортранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув дастурини тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома автомотортранспорт воситаларини бошқаришга рухсат бермайди.

35. Ўқув гурухларининг хужжатлари ва имтиҳон комиссияси баённомаси белгиланган муддатгача ўқув юртида сақланади. Гувоҳнома йўқолиб қолган ҳолларда ўқув юрти ариза ва имтиҳон комиссияси баённомасига асосан гувоҳноманинг дубликатини беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

318

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида» 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида» 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЯЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 август,
162-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 7 августдаги 162-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 3-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мўлжаллаётган ариза берувчи-нинг ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳужжатларни ва зарур бўлган асосларни экспертизадан ўтказиш»;

4-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган тадбиркорлик субъектини ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатларни берган холда давлат рўйхатидан ўтказишгача бўлган муддат техник шартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мураккаблигини ва ҳажмини хисобга олиб 7 иш кунидан бир ойгача белгиланади».

2. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда:

а) 1-бандга қўйидаги мазмундаги тўртинчи—еттинчи хатбоши қўшилсин:

«Мазкур Низомнинг давлат рўйхатидан ўтказиш ва хисобга қўйишга оид қисми:

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда туман (шахар) ҳокимининг ер участкасига бўлган хукукни рўйхатдан ўтказиш ва объект қурилишига рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган тадбиркорлик субъектларига;

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда туман (шахар) ҳокимининг газ ва электр тармоқларига уланиш учун техник шартлар олиш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган тадбиркорлик субъектларига;

тўртинчи хатбоши саккизинчи хатбоши хисоблансин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«аудиторлик ва суурита ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялар ва холдинглар) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан»;

в) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш ўйфими тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси

Адлия вазирлигига ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, шунингдек 500 АҚШ доллари;

сувурта ва аудиторлик ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг тегишли карорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялар ва холдинглар) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органлари ва бозорлар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари микдорида давлат божи тўланади.

Давлат божининг 20 фоизи Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига, қолган сумма тегишли равишда республика бюджетига, Коракалпостон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун Инспекцияларда рўйхатдан ўтказиш йигими ундирилади, уларнинг ставкалари Корақалпостон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш йигимларининг чекланган ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш йигимларидан келиб тушган маблағлар факат рўйхатдан ўтказувчи органларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун:

дехкон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил қилинадиган акциядорлик жамиятларидан рўйхатдан ўтказиш йигими олинмайди;



бориши кийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларидан рўйхатдан ўтказиш йигими белгиланган ставканинг 20 фоизи микдорида олинади;

бориши кийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган савдо корхоналаридан рўйхатдан ўтказиш йигими энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари микдорида олинади»;

г) 7-банднинг тўртинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Рұхсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш учун Инспекцияга илгари рўйхатдан ўтказилган (рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштирган ҳолда ёки расмийлаштирасдан), хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Коракалпостон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармаларида, туманлар (шаҳарлар) давлат солик инспекцияларида рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари хам мурожаат қилишлари мумкин. Бунда рўйхатдан ўтказиш йигими (давлат божи) ундирилмайди».

д) 11-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«11. Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан келиб ёки почта орқали) мазкур Низомга 1-иловага мувоғик шаклдаги ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

давлат тилидаги таъсис хужжатларининг белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси, бунда давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари учун таъсис хужжатларининг нотариал тасдиқланган бўлиши талаб этилмайди (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис хужжатлари бўлиб устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки факат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъу-

лиятли жамиятлар учун — таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса — фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган дехқон хўжаликлари учун — фақат устав);

давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йигимининг белгиланган микдори тўланганилиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (дехқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотноманинг асл нусхаси;

уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари.»;

е) 12-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) бозорлар учун — бозор ташкил қилишга ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори ҳамда бозорнинг устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган микдорнинг камида 30 фоизи киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

б) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун:

хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан олинган, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташқи ишлар вазиригига мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилиниб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазиригининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган кўчирма тақдим этилади. Хорижий муассис тўғрисида савдо реестридан кўчирмада хорижий юридик шахснинг номи, унинг жойлашган манзили, устав фонди микдори, ташкилий-хукукий шакли, рўйхатдан ўтказилган санаси, фаолият кўрсатиш муддати ҳамда хорижий юридик шахс номидан имзо қўйиш хукуқига эга бўлган шахс ҳақида маълумотлар кўрсатилиши керак. Ушбу кўчирма берилган пайтдан бошлаб 1 йил муддат ичидаги ҳисобланади. Жисмоний шахс — норезидент ўз паспортининг нусхаси тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар давлат тилига таржима қилинган, таржима белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши керак. Агар хорижий муассиснинг корхона (ташкилот) устав фондига улуши интелектуал мулк бўлса, у ҳолда ариза берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоловчи томонидан тузилган баҳолаш тўғрисидаги хисботни тақдим этиши керак;

хар бир таъсисчи томонидан корхона устав фондидаги ўз улушининг 30 фоизини киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (вактинчалик сўмлардаги ва валютадаги жамловчи ҳисоб рақамларига пул маблағлари киритилганлиги ҳақида банк маълумотномаси, мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгалик хукуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар);

в) дехқон хўжаликлари (юридик шахслар) ҳамда фермер хўжаликлари учун — туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори нусхаси;

г) юридик шахсларни қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари учун;

қайта ташкил қилинаётган юридик шахсга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш хақида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи хужжат;

қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича хукуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (қўшиб юбориша ва ўзгартиришда) ёки бўлиш баланси (бўлишда ва ажратиб чиқариша);

қайта ташкил қилинаётган юридик шахснинг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасининг асл нусхаси, муҳри ва штампи (юридик шахсни қўшиб юбориша, бўлиш ва ўзгартириш йўли билан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказишида тақдим этилади»;

д) 13 ва 14-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 15-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«15. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги хақида маълумотнома тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар туманлар (шахарлар) давлат статистика органларида расмийлаштирилади.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги хақида маълумотнома олиш учун ариза берувчи шахсан ўзи келиб, почта алоқаси, электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали туман (шахар) давлат статистика органига сўралаётган фирма номи, шунингдек фирма номининг 5 тагача муқобил варианти кўрсатилган ариза билан мурожаат қиласи.

Туман (шахар) давлат статистика органи аризани олганидан кейин Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар давлат статистика органларида электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали тегишли сўровнома юборади.

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар давлат статистика органи, туман (шахар) давлат статистика органининг сўровномасини олгач, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали тегишли сўровнома юборади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг масъул ходими сўралаётган ва қабул қилиниши мумкин бўлган фирма номини фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан захирага қўйиш бўйича зарур харакатларни амалга ошириши шарт.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган ва рўйхатдан ўтказилган тегишли юридик шахс билан рўйхатдан ўтказиладиган юридик шахсни адаштирилишига олиб келиши мумкин бўлган фирма номини захирага қўйиш мумкин эмас.

Захирага олинган фирма номи ёхуд бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжудлиги хақида маълумот Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг масъул ходими томонидан Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар статистика органларида электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали юборилади.

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар давлат статистика органи олинган маълумотни уни сўраган туман (шахар) давлат статистика органига электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали юборади.

Туман (шахар) давлат статистика органи захирага олинган фирма номини ёхуд бир хил ёки адаштириш дажарасида ўхшаш бўлган фирма номи КТЯДРда мавжуд

+

-

эканлиги ҳақидаги маълумотномани олгач тегишли маълумотномани расмийлаштириди ва беради.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эканлиги ҳақидаги маълумотномани олган ариза берувчи, қайтадан ариза билан бошқа фирма номларини кўрсатган ҳолда бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома беришни сўраб мурожаат қилишга ҳақли.

Аризани кўриб чиқиши ва тегишли маълумотномани бериш муддати 2 иш кунини ташкил этади.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эканлиги (мавжуд эмаслиги) ҳақида маълумотнома берганлик учун тўлов олинмайди.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотноманинг амал килиш муддати 2 ой;

ж) 16-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун жисмоний шахс томонидан ўз яшаш жойидаги Инспекцияга келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали мазкур Низомга 1а-иловада кўрсатилган шаклда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қўйидагилар илова қилинади: 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосурат; рўйхатдан ўтказиш йифимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов хужжати; уч нусхада муҳр ва штамп эскиzlари (якка тадбиркор хохишига кўра); паспорт нусхаси»;

з) 17-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Юридик шахс бўлмаган дехкон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Инспекцияга дехкон хўжалиги раҳбари томонидан шахсан ўзи келиб ёки почта алоқаси орқали мазкур Низомга 1а-иловада кўрсатилган шаклда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади. Аризага қўйидагилар илова қилинади:

туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори;

муҳр ва штамп эскиzlари (аризачининг хохишига кўра);

паспорт нусхаси»;

и) 72-банд қўйидаги таҳriрda баён қилинсин:

«72. Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг таъсис хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 7 иш куни мобайнида уларни рўйхатдан ўтказган органга ўзлари келиб ёки почта алоқаси орқали қўйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органининг таъсис хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;

номи ўзгарган тақдирда — давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ва янги фирма номига бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек янги муҳр ва штампнинг уч нусхадаги эскизи;

давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йифимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлови хужжати;

устав фондининг миқдори кўпайтирилган тақдирда — тадбиркорлик субъекти ваколатли органининг таъсис хужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдо-

+

рининг шакллантирилганлиги ҳақидаги ҳужжат, шунингдек масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун иштирокчи ҳиссасининг тўлиқ киритилганлиги ҳақида жамият томонидан жамият иштирокчисига берилган гувохнома нусхаси ҳамда жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

устав фонди камайтирилган тақдирда — уларга маълум бўлган барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилинган қарор ҳақида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиги (уларга маълум барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилган ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилингандан кейин бир хафта муддатда тақдим қилинади);

тадбиркорлик субъекти ажратиб чиқариш ва қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган тақдирда — қайта ташкил этилаётган юридик шахсга маълум бўлган барча кредиторлар қайта ташкил қилиш ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигининг ва оммавий ахборот воситаларида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиги, қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлар ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган бўлиш баланси ёки топшириш далолатномаси, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувохноманинг асл нусхаси, қўшиб олинаётган юридик шахснинг муҳр ва штампи.

+ Таъсис ҳужжатларига муассислар таркибига хорижий шахс кириши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритишида рўйхатдан ўтказган органга ушбу Низомнинг 12-банди «б» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

- Тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

тегишли бўлмаган рўйхатга олиш органига мурожаат қилиш;

мазкур Низомда кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

тақдим этилган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос келмаслиги.

Таъсис ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларини тегишли органларда ҳисобга қўйиш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома олиш, янги намунадаги муҳр ва штампларни тайёрлашга рухсатномаларни расмийлаштириш мазкур Низомда белгилangan тартибида мувофиқ амалга оширилади»;

к) 73-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«73. Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун белгилangan давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йифимининг 50 фойзи миқдорида тўлов олинади»;

л) 74-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«74. Тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ёки юридик манзили ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бунда давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йифими олинмайди. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олгандан бошлаб иккى кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларини хабардор қиласи.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрига ўзгартириш киритиши

ни тақазо этувчи тадбиркорлик субъекти — юридик шахснинг фаолияти тури ва унда ишловчиларнинг ўртача йиллик сони ўзгарса давлат статистика органлари тадбиркорлик субъектини жалб қилмаган ҳолда қонунчиликка мувофиқ ҳолда тақдим қилинадиган йиллик статистик ҳисоботлар асосида тегишли ўзгаришилар киритади ва бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органлар, давлат солиқ хизмати органлари ҳамда тадбиркорлик субъектини хабардор қиласди»;

м) 75-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«75. Якка тартибдаги тадбиркор унга берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилган фаолият жойи ўзгарган тақдирда, ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олган пайтдан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қиласди. Рўйхатдан ўтказувчи ва давлат солиқ хизмати органлари кўрсатиб ўтилган ахборотни олганларидан кейин уч кун муддатда якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатдан ўтказиши ва хисобга қўйиш ҳужжатларига киритилган ўзгаришилар ҳақида ёзма равишда хабар беришлари шарт»;

н) 76-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«76. Тадбиркорлик субъектининг таъсис ҳужжатларига тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказган органнинг ўзгаришига олиб келувчи ўзгариши ва қўшимчалар киритилганда рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур Низомда кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари, рўйхатдан ўтказган органнинг реестридан кўчирма ҳам тақдим қилинади.

— Юридик шахсларнинг қўшиб юборилиши оқибатида рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарса, бошка рўйхатдан ўтказувчи органнинг реестридан кўчирма бошка рўйхатдан ўтказувчи органнинг давлат реестрида турган юридик шахс томонидан тақдим қилинади.

+

Юридик шахснинг қўшиб олиниши оқибатида рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарса, бошка рўйхатдан ўтказувчи органнинг реестридан кўчирма бошка рўйхатдан ўтказувчи органнинг давлат реестрида турган қўшиб олинаётган юридик шахс томонидан тақдим қилинади.

Юридик шахснинг ўзгарилиши оқибатида рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарса, бошка рўйхатдан ўтказувчи органнинг реестридан кўчирма бошка рўйхатдан ўтказувчи органнинг давлат реестрида ўзгарилаётган юридик шахс томонидан тақдим қилинади.

Кўчирма тадбиркорлик субъекти юридик шахсларнинг давлат реестрида турган рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектининг мурожаати олинган пайтдан бошлаб бир кун мобайнida берилади.

Бундай ҳолларда тадбиркорлик субъектига илгари у давлат рўйхатидан ўтказилган сана ҳамда рўйхатдан ўтказган орган ҳақидаги маълумот кўрсатилган давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилади.

Тегишли рўйхатдан ўтказувчи орган икки кун мобайнida ушбу тадбиркорлик субъекти юридик шахслар давлат реестрида турган органга тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини ёки рўйхатдан ўтказиши ҳужжатларини тақдим этиш ҳақида сўровнома юборади. Ушбу тадбиркорлик субъекти юридик шахслар ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси ёки тегишли сўровномани олганидан кейин, унинг рўйхатдан ўтказиши ҳужжатларини тадбиркорлик субъектини янги рўйхатдан ўтказган органга юборади ва бу ҳақида давлат реестрига тегишли ёзув киритади ҳамда солиқ ва статистика органларига бу ҳақида маълум қиласди».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

319 Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёrlаш ва қайта тайёrlаш Давлат дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида» 2005 йил 10 мартағи ПҚ-24-сон қарорига мувофиқ ҳамда Кадрлар тайёrlаш миллий дастурини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. 2006—2010 йиллар даврида оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёrlаш ва қайта тайёrlаш Давлат дастури (кейинги ўринларда Дастан деб атала-ди) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Дастаннинг мақсадли вазифаларини босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий йўналишлари хисоблансин:

оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёrlаш ва қайта тайёrlаш масалаларини тартибга солувчи норматив хужжатларни такомиллаштириш: Бакалавриат, магистратура, шунингдек икки йиллик олий журналистика курслари йўналишлари классификаторига ўзгартириш киритиш;

давлат таълим стандартларини, ўкув режалари ва дастурларини такомиллаштириш, халқаро талабларга мувофиқ дарсликлар ва ўкув қўлланмалари, электрон-ўқитиш ахборот ресурсларининг янги авлодини яратиш;

+ журналистика факультетларининг тузилмаси ва фаолиятини мақбуллаштириш, теле-, радио- ва Интернет журналистиканинг янги йўналишларини жорий этиш, талаб юқори бўлган мутахассисликлар, энг аввало сиёсий шарх, оммавий ахборот воситалари иқтисодиёти ва менежменти, оммавий ахборот воситалари социологияси ва психологияси, ахборот-психология хавфсизлиги масалалари мутахассисликлари бўйича магистратура очиш;

- олий таълим муассасалари журналистика факультетларининг халқаро стандартларга мувофиқ касбий ва компьютер техникаси билан жиҳозланишини яхшилаш;

профессор-ўқитувчиларнинг таркиби малакасини ва педагогик маҳоратини ошириш, тажриба ортириши, журналист кадрларни тайёrlаш ва қайта тайёrlаш, журналистика факультетлари бакалавриати ва магистратураси талabalарининг Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарида тажриба ортириш тизимини такомиллаштириш;

журналистика масалалари бўйича ихтисослаштирилган илмий альманах таъсис этиш, уни Олий аттестация комиссияси реестрига киритиш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари А.Н. Арипов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 август,
163-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 7 августдаги 163-сон қарорига
ИЛОВА

2006—2010 йиллар даврида оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури

Кириш қисми:

- I. Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг жорий аҳволи
- II. Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастурининг мақсади, асосий ўйналишлари ва вазифалари
- III. Давлат дастурини амалга ошириш босқичлари ва молиялаштириш манбали

Иловалар*:

- 1-илова. Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси
- 2-илова. Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастурини молиялаштириш манбалари
- 3-илова. Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастурини амалга ошириш доирасида маблағларни ўзлаштириш жадвали

Кириш қисми

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича устувор вазифалар, шунингдек жаҳон ахборот макони глобаллашувининг кучайиши оммавий ахборот воситалари соҳасида жаҳонда содир бўлаётган воқеаларга тез ва мос равища муносабат билдира олишга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик қайта ўзгаришлар ҳақида республика ахолисини, жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида ва холисона хабардор қилишга қодир бўлган юкори мамлакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Рақобатга бардошли, янгича шарт-шароитларда ишлай оладиган журналист кадрларни тайёрлаш заруриятини ватанимиз оммавий ахборот воситалари ривожланишининг давлат ва нодавлат даврий босма нашрлари, телевизиялари, таҳририят-матбаа комплексларининг микдор ва сифат жиҳатидан ўсишида, жамоатчилик билан алоқалар институтлари, реклама агентликлари, Интернет журналистиканинг шаклланиши ва ривожланишида, шунингдек ушбу соҳадаги меҳнат бозорида талабларнинг ортишида намоён бўлаётган замонавий тенденциялар ҳам тақозо этмоқда.

I. Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг жорий аҳволи

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш

* Иловалар берилмайди.

доирасида бутун таълим тизимидағи сингари журналистика таълими соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Замонавий талабларга мувофиқ Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультети қайта ташкил этилди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети очилди. Журналистика таълими сифатини ошириш мақсадида 1999-2000 ўкув йилидан бошлаб олий маълумотли журналист кадрларни тайёрлаш кўрсатиб ўтилган ўкув юртларида амалга оширилмоқда, бошқа ўкув юртларида эса журналистика факультетлари (бўлимлари) тугатилди (Қорақалпоғистон давлат университетидан ташқари). Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида халқаро журналистика бўйича магистратура очилди.

Ўзбекистон миллий университети ҳузурида маҳсус икки йиллик Олий журналистика курслари очилди, курсларга танлов асосида бошқа мутахассисликлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ижодий қобилияtlарини намоён этаётган мутахассислар қабул қилинмоқда.

Кейинги беш йилда республикада журналистика тарихи, назарияси ва амалиёти соҳасида З докторлик, 7 номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон миллий университетида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида, Қорақалпоғистон давлат университетида 1400 нафардан ортиқ бакалавр, 100 нафарга яқин магистрлар, икки йиллик Олий журналистика курсларида 100 нафар тингловчи таълим олмоқда, ихтисослик бўйича 70 нафардан ортиқ ўқитувчи таълим бермоқда, бирок уларнинг факат 30 фоизи фан доктори ва номзоди илмий даражасига эга. Ҳар йил жами 300 нафардан ортиқ бакалавр ва магистр чиқарилмоқда.

Ҳозир республикада 900 дан ортиқ даврий нашрлар нашр этилмоқда, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан бир қаторда вилоят телерадиостудиялари, 60 та давлат ва нодавлат нашриётлари, 3 та ахборот агентлиги, вазирликлар ва идораларнинг матбуот хизматлари фаолият кўрсатмоқда, реклама агентликлари тармоғи жадал ривожланмоқда, Интернет-журналистика шаклланиб бормоқда.

Шу билан бирга, ватанимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятининг, уларда ишлаётган журналистлар касб маҳорати даражасининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, тайёрланаётган ахборот материалларининг сифати, уларни ҳам мамлакат ичида, ҳам унинг ташқарисида тарқатиш тезкорлиги, халқаро ахборот маконида Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш уқуви замонавий талабларга тўлиқ даражада жавоб бермайди.

Шу муносабат билан, журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, моддий-техник базани ва ўкув жараёнини замонавий техник воситалар билан жиҳозлашни сифат жиҳатидан яхшилаш масалалари мухим аҳамият касб этади.

Амалдаги норматив базани ва ўкув дастурларини янада такомиллаштиришга, оммавий коммуникациялар турли каналлари ўртасида ижодий рақобат ортиб бораётган шароитларда ватанимиз босма, телевизион-радиоиндустрияси ривожланишидаги янги тенденцияларни хисобга олган ҳолда халқаро стандартларга ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги халқаро талабларга жавоб берадиган дарслерлар ва ўкув кўлланмаларининг янги авлодини яратишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш зарур.

+

-

II. Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёrlаш ва қайта тайёrlаш Давлат дастурининг мақсади, асосий йўналишлари ва вазифалари

Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёrlаш ва қайта тайёrlаш Давлат дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) жамият ва давлатнинг юқори малакали журналист кадрларга бўлган эҳтиёжини янада тўликроқ қондириш ҳамда халқаро талабларга мувофиқ, шунингдек жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича устувор вазифалардан келиб чиқкан ҳолда республика оммавий ахборот воситалари ривожланишига демократик стандартларни жорий этиш мақсадида қабул қилинмоқда.

Қўйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари ва мақсадли вазифалари хисобланади:

2.1 Норматив ва ўқув-методик базани такомиллаштириш, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг тузилмаси ва фаолиятини мақбуллаштириш, шу жумладан:

оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёrlаш ва қайта тайёrlаш масалаларини тартибга соловчи норматив ҳужжатларни такомиллаштириш: Бакалавриат, магистратура, шунингдек икки йиллик олий журналистика курслари йўналишлари классификаторига ўзгартириш киритиш;

халқаро талабларга мувофиқ ҳамда ушбу соҳа меҳнат бозоридаги замонавий тенденциялар ва талабларни хисобга олган ҳолда давлат таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларини қайта кўриб чиқиш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби малакасини ошириш масалаларини тартибга соловчи норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш;

дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, электрон-ўқитиши ахборот ресурслари ўқув-методик ишланмаларининг янги авлодини яратиш, уларни ишлаб чиқиш учун давлат грантлари ажратиш;

очик ахборот тизимларида ахборот-психология хавфсизлиги масалаларини ўрганиш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва олий таълим юртлари гуманитар (психология, социология, философия, журналистика, юриспруденция, сиёсатшунослик, тарих, филология) факультетлари ўқув жараённига жорий этиш;

хар йили таълим муассасаларига талabalар қабул қилиш бўйича Хукумат қарорида белгиланадиган квоталар доирасида, меҳнат бозорининг янги йўналишдаги мутахassisларга бўлган амалдаги эҳтиёжини хисобга олган ҳолда сиёсий шарҳ, оммавий ахборот воситалари иқтисодиёти ва менежменти, Интернет журналистика, оммавий ахборот воситалари социологияси, оммавий ахборот воситалари психологияси, ахборот-психология хавфсизлиги масалалари мутахassisларни бўйича магистратура очиш.

2.2 Ўқув жараёнларига замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш, шу жумладан:

ўқитишининг интеактив методларини кенг жорий этиш, тажрибали амалиётчи журналистлар раҳбарлигидаги «уста-синф»лар сонини кўпайтириш, мажбурий тартибда ўқув газетасини чиқарган, радио-, телэшиттириш тайёrlаган ҳолда таҳриятининг кундалик ишига жуда яқин бўлган амалий ўйинлардан фойдаланиш;

ўқув жараёнларига «ZiyoNET» тармори ахборот ресурсларини жорий этиш, унинг илмий-ўқув, маданий-маърифий ва маълумотнома-таҳлилий материаллар билан бойитилишида журналистика факультетлари талabalарининг иштирок этишини таъминлаш;

талabalарни чет эл мутахassisлари ва хорижий олий ўқув юртлари ўқитувчи-

+

лари олиб боришилари мумкин бўлган айрим маҳсус курслар бўйича масофадан туриб ўқитиш учун глобал Интернет тармоғидан фойдаланиш;

журналистика факультетларида чет тилларни ўқитиш сифатини яхшилашга каратилган янги таълим технологиялари жорий этиш;

талабалар томонидан билимларни ўзлаштириши сифатини назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш тизимини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича журналистлар ва мутахассислар учун маҳсус курслар ташкил этиш.

2.3 Журналист кадрларни тайёрлаш моддий-техника базасини модернизация қилиш, шу жумладан:

Ўзбекистон миллий университетининг республикада етакчи бўлган журналистика факультети моддий базасини яхшилаш, унинг барча тузилмаларини ўқув жараёнини юкори даражада ташкил этиш ҳамда бўлажак журналистларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш талабларига жавоб берувчи битта бинога жойлаштириш;

журналистика факультетларида ўқув жараёнини замонавий техник воситалар: ракамли теле- ва фотокамералар, диктофонлар, Интернет тармоғига улаган ҳолда компьютер техникини билан жиҳозлаш:

олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчиларнинг республиканинг тегишли идоралари ва ташкилотлари ахборот-таълим ресурсларидан, шунингдек Интернет тармоғидан кенг фойдалана олишини таъминлаш;

ўқув теле- ва радиостудиялар, замонавий теле-, радио-, кино- ва фотолабораториялар ташкил этиш;

Ўзбекистон миллий университети базасида ўқув-нашиёт комплексини барпо этиш, уни ўқув-методик адабиётлар нашр этиш учун замонавий матбаа ва нусха кўпайтириш техникини билан жиҳозлаш, унинг ишига журналистика факультетининг талабалари ва ўқитувчиларини жалб этиш.

2.4 Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, журналистика соҳасида илмий-амалий кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, шу жумладан:

профессор-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг педагогик маҳоратини ошириш тизимини ривожлантириш, журналистика факультетлари бакалавриати ва магистратураси талабалари орасидан номзодларни Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналарида олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига бюджет ва тўлов-контракт сметаларида назарда тутилган маблағлар, грантлар ва бюджетдан ташқари манбалар маблағлари доирасида тажриба ортиришга юбориш учун танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқиш ва танлаш сифатини ошириш;

телиши кадрларни магистратурада, аспирантурада, докторантурада тайёрлаш самараדורлигини ошириш орқали журналистика факультетлари ўқитувчилари таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, журналистика факультетлари ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари соҳаси мутахассислари томонидан илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини рафбатлантириш;

журналистика бўйича (10.01.10), фан ва техника тарихи (журналистика тарихи) бўйича (07.00.10), сиёсий маданият ва идеология бўйича (23.00.23) номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқлаш учун ихтисослаштирилган Кенгаш очиш;

Ўзбекистон миллий университети хузурида «Журналистика масалалари» бўйича ихтисослаштирилган илмий альманах таъсис этиш, уни Олий аттестация комиссияси реестрига киритиш.

III. Дастурни амалга ошириш босқичлари молиялаштириш манбалари

3.1 Амалга ошириш босқичлари:

Ишлаб чиқилган Тадбирлар режасига мувофик Дастурни 2006—2010 йилларда амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Биринчи босқичда (2006-2007 йиллар):

журналист, профессор-ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ бўлган базавий норматив хужжатлар ва ўқув-методик материалларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

ўқув жараёнини замонавий компьютер техникиси билан жиҳозлаш, уларни «ZiyoNET» таълим тармоғига улаш;

ўқув телерадиостудиялари, теле-, радио-, кино-, фотолабораториялар ва нашриёт комплексини ташкил этиш;

тажрибали амалиётчи журналистлар, газеталар, журналлар, телевидение ва радиоэшиттириш таҳририятлари дизайннерлари раҳбарлигидаги «уста-синф»лар сонини кўпайтириш;

ўқитишининг интерактив методларини жорий этиш;

Ўзбекистон миллый университети хузурида журналистика мутахассислиги бўйича — 10.01.10, сиёсий маданият ва идеология мутахассислиги бўйича — 23.00.23, фан ва техника тарихи (журналистика тарихи) мутахассислиги бўйича — 07.00.10 докторлик (номзодлик) диссертациялари ёқлаш учун ихтисослаштирилган Кенгаш очиш;

ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича журналистлар ва мутахассислар учун маҳсус курслар ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Иккинчи босқичда (2007—2010 йиллар):

замонавий-илмий-педагогик ва таълим талабларига жавоб берувчи дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, шунингдек электрон-ўқитиши ва бошқа билим берувчи ресурсларининг янги авлодини яратиш;

журналист кадрлар тайёрланадиган журналистика факультетларининг тузилмаси ва фаолиятини ташкил этишни мақбуллаштириш;

очик ахборот тизимларида ахборот-психология хавфсизлиги масалаларини ўрганиш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва олий таълим юртлари гуманитар (психология, социология, философия, журналистика, юриспруденция, сиёсатшунослик, тарих, филология) факультетлари ўқув жараёнига жорий этиш;

журналист кадрлар малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган методикалар ишлаб чиқиш, маҳсус курслар ўтказиш;

журналистика соҳасида кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш тизимини такомиллаштириш;

3.2 Молиялаштириш манбалари

Дастурни молиялаштириш ҳар йили олий таълим муассасаларига ажратиладиган бюджет маблағлари, шунингдек олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари, Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, «Истеъод» жамғармаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси маблағлари, кадрларни қайта тайёрлаш учун буюртмачилар маблағлари, шунингдек хомийлар маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

320 Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари бир ой муддатда ўз норматив хужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсанлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил август,
164-сон

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил августдаги 164-сон карорига
ИЛОВА

Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидалари

I. Асосий тушунчалар ва терминлар

1. Мазкур Қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалар ва терминлардан фойдаланилади:

энергияни тежаш — энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган хукукий, ташкилий, илмий, ишлаб чиқариш, техник ва иқтисодий чоратадибрларни амалга ошириш;

ёқилғи-энергетика ресурси — хозирги вактда фойдаланилаётган ёки истиқболда фойдаланилиши мумкин бўлган энергия манбаи;

энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш — техника ва технологиялар ривожланишининг мавжуд даражасида ва атроф мухитни мухофаза қилишга кўйиладиган талабларга риоя қилган ҳолда энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий ўзини оқлаган самарадорлигига эришиш;

иккиламчи энергетика ресурси — асосий жараёнда фойдаланилмайдиган, бирор бошқа мақсадларда фойдаланиш учун етарли бўлган ишлаб чиқаришнинг асосий, оралиқ, қўшимча маҳсулоти ва чиқиндиларининг энергетика салоҳиёти;

энергетика ресурсларининг ноишлаб чиқариш сарфи — стандартлар, нор-

малар ва регламентлар бузилиши туфайли келиб чиқсан энергия ресурслари нобудгарчилиги;

ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиси — ёқилғи-энергетика ресурсидан маҳсулот ишлаб чиқаришда, хизматлар кўрсатишда, шу жумладан қайта ишлаш, транспортда ташиш ва сақлаш пайтида ҳамда ўз эҳтиёжлари учун фойдалана-диган юридик шахс;

энергетика текширувлари — ёқилғи-энергетика ресурсидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва фойдаланиш кўрсаткичларини оширишнинг иқтисодий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиши мақсадида ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиларини текшириш;

энергетика экспертизаси — энергия таъминотининг энергия самародорлиги лойихалари ва схемалари соҳасида, ишлаб турган, янгидан ишга туширилган ва реконструкция қилинадиган обьектларда энергия ишлаб чиқарадиган ва энергияни истеъмол қиласидаги асбоб-ускуналарнинг норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқлигини экспертизадан ўтказиш;

давлат назорати органлари — электр, иссиқлик энергияси истеъмоли ва кўмирдан фойдаланиш устидан назорат қиласидаги Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси деб аталади) ва нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш устидан назорат қиласидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Ўздавнефтгазинспекция» деб аталади);

энергоаудитор — ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказадиган ҳамда тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс.

+

II. Умумий қоидалар

2. Мазкур Коидалар ёқилғи-энергетика истеъмолчилари томонидан ёқилғи-энергетика ресурсидан фойдаланиш самародорлигини баҳолаш ҳамда ёқилғи ва энергия таъминотига харажатларни камайтириш имкониятларини аниқлаш мақсадида энергоаудиторлар томонидан энергетика истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

3. Мажбурий дастлабки энергетика текширувидан ўтиши керак бўлган ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчилари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишув бўйича давлат назорати органлари томонидан тузилади ва Ёқилғи-энергетика ресусларини тежаш бўйича комиссия томонидан тасдиқланаади.

4. Янги ва реконструкция қилинадиган обьектлар, технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг лойиха хужжатларини энергетика экспертизасидан ўтказиш мажбурий хисобланади.

III. Энергетика текширувлари ва экспертизаларни ўтказишни ташкил этиш

5. Республикада ёқилғи-энергетика истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш ишларини ташкил этиш, умумий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштиришни давлат назорати органлари амалга оширадилар.

6. Ёқилғи-энергетика истеъмолчиларини энергетика текширувларидан ва экспертизадан ўтказиш факат энергоаудиторлар томонидан амалга оширилади.

7. Текшириш ва экспертиза ўтказилишидан олдин энергоаудиторлар томонидан энергетика текширувлари ва экспертизалар ўтказиш дастури тузилади (энергетика текширувлари ва экспертизаларни ўтказишнинг намунавий дастурлари мазкур Қоидаларга 1 ва 3-иловаларда келтирилган). Ушбу дастурлар текшириладиган ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиси билан келишилади ва давлат назорати органларида тасдиқланади. Энергетика текширувлари ва экспертизалар ўтказиш дастури иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самародорлигини баҳолашнинг мавжуд ёки янги илфор усуллари асосида ишлаб чикилиши керак.

8. Текширувлар ва экспертизаларнинг мазмуни:
қабул қилинган республика ва халқаро нормаларга;
иктисодий вазиятни баҳолашга;
энергетика ва экология хавфсизлигини таъминлашга;
маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги таъсирини баҳолашга;
энергетика текширувлари ва экспертизалар ўтказиш дастурларига мувофиқ бўлиши керак.

IV. Энергетика текширувлари турлари

9. Ёқилғи-энергетика ресурсининг жами истеъмоли ёки унинг ҳар бир туринг истеъмоли ҳар йили олти минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғисига тенг бўлган ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчилари мажбурий энергетика текширувларидан ўтказилади.

10. Ёқилғи-энергетика ресурсининг йиллик истеъмоли олти минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғисига тенг бўлган ёқилғи-энергетика истеъмолчиларининг энергетика текшируви ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиларининг мурожаатига кўра ёки мувофиқлаштирувчи текширувлар давомида аниқланган истеъмолчилар томонидан ёқилғи-энергетика ресурси норационал фойдаланилганда давлат назорати органларининг карорига кўра ўтказилади.

11. Энергетика текширувлари дастлабки, даврий (такрорий), навбатдан ташқари, тезкор (маҳаллий) текширишларга бўлинади.

12. Дастлабки текширишда ёқилғи-энергетика ресурсидан фойдаланиш самародорлигига баҳо берилади (ёқилғи-энергетика ресурсидан фойдаланувчининг асбобускуналари иши самародорлиги; фойдаланиладиган ёқилғи-энергетика ресурсини хисобга олишнинг ҳолати; улардан фойдаланиш бўйича хисобот бериш текширилди; ёқилғига сарф-харажатлар ва энергия таъминоти таҳлили ўтказилади).

Ёқилғи-энергетика ресурсидан фойдаланиш самародорлигини баҳолаш олдинги текшириладиган давр учун ўтказилади.

Текшириш натижалари ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчисининг белгиланган намунадаги энергетика паспортида қайд этилади (мазкур Қоидаларга 2-и洛ва).

Ёқилғи-энергетика ресурси текшируви натижалари бўйича ёқилғи-энергетика ресурсидан фойдаланишдаги коида бузишларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ва улардан самарали фойдаланиш, техник имконият бўлган тақдирда — иккиламчи энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар рўйхати берилади.

13. Даврий (такрорий) текширишда олдин берилган тавсиялар бажарилганлиги текширилади, ёқилғи-энергетика ресурси истеъмоли динамикаси ва маҳсулот

ишлиб чиқаришда уларнинг солиштирма харажатлари (энергия сигими, ишлиб чиқаришнинг умумий моддий харажатларида энергия ресурслари қиймати) баҳоланади.

Текшириш натижалари бўйича ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчисининг энергетика паспортига ўзгартиришлар киритилади ҳамда мазкур Коидаларнинг 12-бандида кўрсатилганга ўхшаш тавсиялар берилади. Ёқилғи-энергетика истеъмолчиларини даврий (такрорий) текшириш 5 йилда камида бир марта ўтказилади.

14. Навбатдан ташқари (режадан ташқари) текширишлар:

бир қанча билвосита белгилар (энергия ресурсларининг умумий ва солиштирма истеъмоли, маҳсулот ва ундаги ёқилғи таркиби таннархи, атмосферага зарарли чиқиндилар чиқариш ўсиши ва ҳоказолар) бўйича давлат назорати органида ёқилғи-энергетика ресурсидан фойдаланиш самарадорлиги кескин пасайиб кетганлиги тўғрисида тахмин пайдо бўлса; агар энергоаудитор томонидан ўтказилган текшириш натижаларининг ишончлилиги шубҳа уйғотса, давлат назорати органининг ташаббуси билан;

истеъмолчи ёқилғи-энергетика ресурсидан фойдаланиш бўйича ўз фаолиятини текшириш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилган тақдирда истеъмолчининг ташаббуси билан;

шошилинч аралashiш одамларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф соладиган қоида бузишларнинг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлиги туфайли келиб чиқсан тақдирда ҳамда қоида бузишлар бевосита улар содир этилаётган пайтда аниқланган тақдирда ўтказилади.

15. Тезкор текшириш (маҳаллий) ҳажми ва вақтига кўра чекланган хусусиятли бўлади. Бунда ёқилғи-энергетика ресурси турларидан биридан (электр ёки иссиқлик энергияси, каттиқ, суюқ ёки газсимон ёқилғи, иккиласмачи энергия ресурсларидан) ёхуд агрегатларнинг алоҳида гуруҳидан (алоҳида агрегат) фойдаланиш самарадорлиги ёхуд самарадорликнинг алоҳида кўрсаткичлари баҳоланади.

+

V. Энергетика текширувлари, экспертизаларни ўтказиш ва уларни расмийлаштириш тартиби

16. Энергоаудиторлар энергетика текшируви ва экспертизаларни намунавий дастурлар бўйича ўтказадилар.

17. Энергоаудиторлар энергетика текшируви тугаллангандан кейин қўйидаги ҳужжатларни расмийлаштирадилар:

энергетика текшируви ўтказилганлиги тўғрисида белгиланган шаклда ҳисобот; воситалар билан тасдиқланган ёқилғи-энергетика баланси. Ёқилғи-энергетика ресурсидан самаравали фойдаланиш параметларига билвосита баҳо беришга йўл қўйилмайди;

ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчисининг энергетика паспорти (мазкур Коидаларга 2-илова);

ёқилғи-энергетика ресурсидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ёқилғига сарфларни камайтириш ҳамда энергия таъминоти бўйича тавсиялар (текширилаётган ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчисининг раҳбарияти билан келишув бўйича). Тавсиялар бўйича объектнинг иқтисодий ҳолатини аниқ белгилаб берадиган энергетика самарадорлигини баҳолаш бўйича ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиши режаси тайёрланиши керак.

18. Энергетика текширувлари натижасида ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиши томонидан ёқилғи-энергетика ресурсидан фойдаланиш самарадорлиги баҳола-

ниши, ундан фойдаланишда қоида бузилиши сабаблари очиб ташланиши, иқтисодиёттинг мавжуд резервлари аниқланиши, физик ва пул ифодасида прогнозлаштира-лаётган тежаш, шунингдек уларни амалга ошириш қиймати кўрсатилган ҳолда техник ва ташкилий энергияни тежайдиган ечимлар таклиф қилиниши керак. Техник жиҳатдан имконият бўлган тақдирда иккиласми энергетика ресурсларидан, тиклана-диган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар тавсия қилинади.

Энергияни тежаш ва ёқилги-энергетика ресурсидан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлатгандан асбоб-ускуналар ва технологик жараёнларнинг экологик тавсифини, ходимлар ишининг хавфсизлиги ва қулиялиги, маҳсулот сифат даражасини пасайтирумаслиги керак.

19. Ўтказилган энергетика текширувлари хисоботлари энергетика текшируви-ни ўтказган ташкилотнинг раҳбари ва ёқилги-энергетика ресурси истеъмолчиси томонидан имзоланади.

ёқилги-энергетика ресурси истеъмолчиси имзолашдан бош тортганда энергети-ка текшируви хисоботида тегишли ёзув қайд этилади.

Хисобот имзолангандан кейин унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш та-қиқланади.

Кўрсатиб ўтилган қарорга рози бўлмаган ёқилги-энергетика ресурси истеъмол-чининг ваколатли вакили ўз фикрини баён қилишга ҳаклидир. Ушбу фикр хисо-ботга илова қилинади.

20. Энергоаудитор ёқилги-энергетика ресурси истеъмолчисига ўтказилган энер-гетика текшируви тўғрисида тўлиқ хисобот беради ҳамда ўтказилган текшириш тўғрисидаги хисобот имзолангандан кейин 10 кун муддатда ёқилги-энергетика ис-теъмолчининг энергетика паспортини давлат назорати худудий органларига бера-ди. Давлат назорати худудий органлари ўз навбатида қўйидагиларни бажаради:

ўтказилган текширишлар натижаси тўғрисидаги хисоботни ўрганади;

назорат қилинадиган худуд бўйича ўтказилган энергетика текширувлари нати-жаларини умумлаштириади (энергоаудиторлар фаолиятини хисобга олган ҳолда);

тегишли тарзда расмийлаштирилган умумлаштирилган натижаларни давлат назорати органларига беради;

истеъмолчига ёқилги-энергетика ресурсидан фойдаланишда қоида бузишларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма беради;

давлат назорати органлари маълумотлари ахборот базасига ёқилги-энергетика истеъмолчининг энергетика паспортидан энергетика кўрсаткичларини киритади.

21. Ўтказилган энергетика экспертизаси натижалари бўйича эксперт хулоса тузилади. Эксперт хулосада энергоаудитор экспертларининг сабаблари кўрсатилган, асосланган ва тўлиқ хулосалари мавжуд бўлиши керак.

22. Эксперт хулоса энергоаудиторнинг фирма бланкасида З нусхада тайёрланади, энергоаудиторнинг раҳбари томонидан имзоланади ва муҳри билан тасдиқланади.

23. Эксперт хулосанинг бир нусхаси тегишли давлат назорати органига бери-лади.

VI. Текшириладиган ёқилги-энергетика ресурси истеъмолчисига қўйиладиган талаблар

24. Текшириладиган ёқилги-энергетика истеъмолчиси энергетика текшируви ўтказилишига ёрдам бериши, айнан:

текшириш ўтказаётган ташкилотнинг ходимлари текшириладиган объектга киришларини таъминлаши;

ҳамроҳлик қилиш учун вакил ажратиши ва текшириш ўтказишда ёрдам берishi;

башарти бу технология ва хавфсизлик талабларига зид бўлмаса, ўлчашларни амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар режимини белгилаши керак.

25. Энергетика текширувани ўтказишда ёқилғи-энергетика истеъмолчиси уни ўтказиш учун масъул бўлган шахсни тайинлашга ва қўйидагиларни тақдим этишга мажбурдир:

зарур техник ва технология хужжатлари (энергетика коммуникацияларининг ижро схемалари, ёқилғи ва энергиядан фойдаланиш ускуналари, ёқилғи-энергетика ресурси хисобини ўлчаш воситалари, режим, технология хариталари тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар);

цеҳда маҳсулот ишлаб чиқариш ва ёқилғи-энергетика ресурси истеъмоли тўғрисидаги маълумотлар;

хўжалик фаолиятига оид хужжатлар (тармоқ ва тармоқлараро нормалар ва нормативлар, тарифлар, ёқилғи-энергетика ресурси етказиб беришга шартномалар, ёқилғининг омбор захираси хисоби, ёқилғи-энергетика истеъмоли ва бошқа истеъмолчиларга берилган ёқилғи-энергетика ресурси, уларнинг нобудгарчилиги тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар);

ёқилғи-энергетика истеъмолчининг натура ва қиймат ифодасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва техник-иктисодий ресурсларни фойдаланиш тўғрисидаги статистика хисоботи;

такрорий ва навбатдан ташқари текширишларда — истеъмолчининг энергетика паспорти.

+

VII. Энергетика текширувларини молиялаштириш

26. Ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиларини энергетика текширувидан ўтказиш бўйича ишларни молиялаштириш қўйидаги манбалардан:

ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиларининг ўз маблағларидан;

банк кредитидан;

инвестициялардан;

махсус Республика тармоқлараро энергия таъминоти хисоб рақамидан;

бошқа тушумлардан амалга оширилиши мумкин.

27. Ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказишни молиялаштириш текшириш ташабуси билан чиққан ташкилотлар хисобига амалга оширилади.

28. Энергоаудиторлар, техник ва молиявий имконият мавжуд бўлган тақдирда, шартнома бўйича инвестиция қўйишлари ёки режага мувофиқ физик хажмни бажарилари мумкин, бунда инвестицияларни қайтариш ва бажарилган ишларга ҳақ тўлаш ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини оширишдан олинган фойда хисобига амалга оширилади.

29. Энергетика текширувларини ўз вақтида ўтказадиган ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчилари қонун хужжатларида белгиланган тартибда энергия таъминоти бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан имтиёзли молиялаштириш хукуқига эга бўладилар.

30. Энергоаудиторлар томонидан ўтказилган энергетика текширувлари натижалари ҳақиқий эмаслиги тасдиқланган тақдирда энергоаудиторлар ёқилғи-энерге-

тика ресурси истеъмолчилари томонидан олдин кўрилган заарларни ёқилги-энергетика ресурси истеъмолчиларига қоплашга ёки энергетика текширувлари ўтказиш харажатларини қоплашга мажбурдир.

VIII. Энергетика текшируви ва экспертизани ўтказиш бўйича томонларнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

31. Давлат назорати органлари ва энергоаудиторлар конун хужжатларида белгиланган ваколатларни ошириб юбормасликка, текшириш давомида ёқилги-энергетика истеъмолчисининг хўжалик фаолияти бажарилишига тўсқинлик қилмасликка, давлат сирлари ва тижорат сирларига риоя қилинишини таъминлашга мажбурдир.

Энергоаудитор тегишли лицензия талабларига ва лицензия битимида белгиланган шартларга жавоб бериши керак.

32. Мазкур Қоидаларда белгиланган энергетика текширувани ўтказиш тартиби ёқилги-энергетика истеъмолчиси томонидан бузилган тақдирда давлат назорати органлари энергетика текшируви янгидан ўтказилишини тайинлаш хуқуқига эгадирлар.

33. Ёқилги-энергетика истеъмолчилари давлат назорати органлари ходимлари ни хабардор қилган ҳолда энергетика текшируви ўтказилиши вақтини мустакил белгилашга хақлидирлар.

34. Ёқилги-энергетика истеъмолчилари энергетика текширувлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб берадилар.

35. Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказилиши соҳасидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ёқилги-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларига
1-ИЛОВА

Энергетика текширувларини ўтказишнинг НАМУНАВИЙ ДАСТУРИ

Ёқилги-энергетика ресурсининг барча истеъмолчилари учун энергетика текширувларини ўтказиша:

ёқилги-энергетика ресурси истеъмолчисининг тузилмаси ва унинг бўлинмалири энергия истеъмоли тавсифи;

энергия ресурслари турлари бўйича хусусий энергия баланслари;

технология ишлаб чиқаришларида энергия истеъмолининг ҳолати (ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун амалда истеъмол қилинган ёқилги- энергетика ресурси технология обьектлари энергия истеъмолининг норматив тавсифлари);

энергия ресурслари ва энергия манбаларининг алоҳида турлари бўйича барча истеъмол қилинадиган энергиянинг тақсимланиши хусусиятлари (бунинг учун энергия истеъмоли бўйича маълумотлар ўлчовнинг ягона тизимига келтирилади);

энергия истеъмоли режими (суткалик, ойлик, йиллик);

хар бир обьект учун энергия истеъмолига таъсир кўрсатадиган омиллар (масалан, иситиш тизими учун ташки ҳарорат, электроприводлар учун қувват коэффициенти ($\cos\phi$) ва хоказолар);

таъсир кўрсатувчи омилга (масалан, унумдорликка, ташки ҳаво ҳароратига ва

ҳоказоларга) энергия истеъмоли нисбати ҳисобланадиган ресурслар ва объектларнинг алоҳида турлари бўйича солиштирма энергия истеъмоли;

энергия манбалари камайиши, изоляциянинг бузилиши, нооқилона лойиха ечимлари, нотўғри уланиш, курилиш ва монтаж ишлари сифатсиз бажарилиши ҳисобига энергиянинг тўғридан-тўғри нобуд бўлиши;

бевосита технология жараёнида (агрегат, цех) фойдаланиладиган энергия манбалари (электр энергияси, техник сув, қисилган ҳаво, буф, техник газлар) сарфи тўғрисидаги маълумотлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

технология параметрлари ва мавсумий тавсифлар бир хил бўлган шароитда солиштирма кўрсаткичлар ўзгариши динамикасини таққослаш йўли билан энергия ресурслари истеъмол қилиш самарадорлиги;

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технология схемаси (асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хом ашё, материаллар, энергия оқимлари);

энергия ҳисоб-китоби ва уни техник ҳисобга олиш приборларини, шунингдек четга беришни ҳисобга оладиган ҳисоблагичларни жиддий равишда жой-жойига қўйган ҳолда энергия таъминоти схемаси;

шартнома ҳужжатлари;

олдинги йилнинг ва жорий йилнинг ўтган даври учун амалдаги статистика ҳисоботлари (чорақлик, йиллик), шунингдек бошқа зарур ҳисоботлар;

энергиянин тежаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар режалари ва уларнинг бажарилиши ҳолати, энергия истеъмолини камайтириш юзасидан топшириклар мавжудлиги;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотни ҳисобга олиш усуллари;

энергиянинг амалдаги сарфи устидан назорат қилиш ва унинг сарфи нормалари бажарилиши;

энергия қурилмаларини огоҳлантирувчи таъмирлашларнинг режа-жадваллари тўғрисида ҳисоботлар;

ҳам бутун ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчиси, ҳам йирик технология агрегатлари бўйича энергия истеъмоли балансини тузиш;

ҳисоблаб чиқарилган ва техник ҳисобга олишнинг ҳолати;

нормалаштирилган энергия истеъмолининг ҳолати ва амалдаги Низом нормалариға мувофиқлиги. Энергиянинг амалдаги солиштирма сарфини баҳолаш даврида ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчисининг энергия таъминоти схемаси аниқлашиб тирилади. Нормалаштириш, энергия манбалари сарфи нормалари тузилмаси, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва нормаларини тасдиқлаш бўйича тармок йўриқномалари ва методик кўрсатмалар мавжудлиги кўриб чиқилади. Энергия ресурсларидан фойдаланиш бўйича ҳисбот юритилишининг статистика ҳисботи талабларига мувофиқлиги, технология асбоб-ускуналарининг техник ҳолати, улар ишининг технология регламентларига мувофиқлиги, технология ва энергетика асбоб-ускуналарининг иш билан таъминланганлиги, маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларга риоя қилиш баҳоланади.

Энергия истеъмоли бўйича экспериментал ва статистик олинган маълумотлар ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича маълумотлар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига энергиянинг норматив солиштирма сарфи белгиланган даврдаги амалдаги сарф билан қиёсий ўрганиб чиқилади.

Текшириш пайтида қўйидаги энергетика объектларини тавсифлайдиган тегишли масалалар ўрганилади:

Иссиқлик электр станциялари:

хар бир станция бўйича энергия баланси мавжудлиги. Бу уларнинг амалдаги

+

унумдорлигини ва истеъмолчининг юкламаси қопланиши имкониятини акс эттиради. Энергия тақчиллиги мавжуд бўлган тақдирда станциянинг барқарор ишлашини таъминлайдиган чора-тадбирлар мавжудлиги;

станция ишининг таҳлили;

chora-tadbirlar va stanqiyining rezerv e'kilfigida ishlashga ytiшга tayёrligi, bўшаб қоладиган gaz haжmi;

ёкилфи ёниши параметрлари va уларнинг xисоб-китobларга muvofiқligi, no-muvofiқlik сабаблари va ёкилфи nobudgarchiliги haжmi;

буф қозонларининг режим xариталарига riоя қилиш, ёкилгининг tўliқ ёниши, созлаш va ёниши maқbulлаштириш, ёниш параметрлари ёmonлашишининг anik сабаблари va у келтириб чиқарган ёкилфи nobudgarchiliги;

stanqiyab yўйicha kиёsий balans, balans taҳlli, xisoblab chиқilgandan четга chiқish сабаблари, ёкиlfiga qайta xisoblaganda enerqia nobudgarchiliги;

kimёvий va sув bilan tозалash ishlari samaradorligi, buf қозонларini uz-lukciz siқilgan xavo bilan tозалаш mikdori (amalda normalar yўйicha);

issiklik manbalariida ёкиlfi-energetika resursi, sув va enerqia manbalari ni xisobga olish xолati xамda normativ va amal қiluvchi xujjatlararga muvofiқligi. йўз эҳтиёjlari (sarф, normalashтиriш);

birлаштирилган stanqiyafойдали unumdorliginинг isteъmolchilarning amal-dagi юklamasiga muvofiқligi. Stanqiyada enerqia bериш шартномалари мавжудli-gi;

issiklik manbaи fойдали iш xarakatinining amalдаги koэffisiентини баҳo-лаш, kamaiyishning anik сабаблари va bu tuфайli keliб chиқkan ёкиlfi nobudgar-chiliги;

eksperimental ўлчашлар va tekshiriшлар natiжalari yўйicha ishlab chиқariш va issiklik enerqiasidan fойдаланиш taҳlliini ўtказиш xамda:

stanqiy iш режимини makbulлаштириш;

enerqia manbalarini назорат қилиш va xisobga olish tizimlarini жiҳozлаш; ёкиlfi-energetika resursi sarfini ўlchaш;

enerqia taъminoti schemalarini янада оқilonona қuriш;

enerqia taъminotinинг технологик schemalarini ўzgartiriш;

ikkilamchi enerqia resurslariдан fойдаланиш;

issiklik tarмоқlарinинг гидравлик режими;

konденсатni қайtariш;

energetika asbob-uskunalarinинг balansli sinovlari yўйicha ishlarni tashkil etiш;

enerqia isteъmolinинг жорий назорати daстurini amalga oшириш, energetika жiҳatidан samarali loyiҳalarni жорий etiш va vazifalar қўyiш (energetika menejmenti);

stanqiyining muайyan obъektlariда enerqianing tiklanadigani manbalarini kўllash юzasidan tавsиялар ishlab chиқish зарур.

Магистраль ва тақсимловчи электр ва issiklik tarmoқlari:

электр isteъmolи режимлари va elektr balansini tuzish;

enerqia taъminotinинг magistrаль ва taқsimlovchi elektr va issiklik tarmoқla-rinинг xолati taҳlli;

issiklik tarmoқlарinинг issiklik va гидравлик xisob-kitoblari, tarmoқning real режими мавжудлиги, xisoblab chиқilgan режимдан четга chiқish va газга qайta xisoblaganda u bilan boғliқ nobudgarchiliklar;

uzatiшda, amalдаги va normativ enerqia nobudgarchiliги;

энергия таъминоти тармоқларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланишни ташкил этиш, улар ўтказиш қобилиятининг истеъмолчилар юкламасига мувофиқлиги, энергиянинг узатиш пайтидаги ва бошқа нобудгарчилиги ва уларнинг нормативга мувофиқлиги;

иссиқлик трассалари ва арматура изоляциясининг ҳолати, иссиқлик трассаларини сув босганлиги;

электр энергияси сифати кўрсаткичларини ўлчаш ва баҳолаш;

электр қабул қилгичларнинг параметрларини текшириш ва ўлчаш;

ички ва ташки электр таъминоти схемалари таҳлили;

ёритиш тизимларини текшириш (ёритилганликни текшириш);

электр таъминоти ва электр асбоб-ускуналари тизимларининг авария ҳолати таҳлили.

Иссиқлик таъминоти тизими:

буғ қозонлари агрегатлари ишининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш;

буғ қозонлари ва иссиқлик истеъмол қиладиган асбоб-ускуналарнинг режим параметрларини ўлчаш;

иссиқлик билан таъминлайдиган қурилмаларнинг заарли газ чиқиндиларини аниқлаш;

кувурларнинг иссиқлик изоляцияси техник ҳолатини текшириш;

сувли иссиқлик тармоқларининг иссиқлик ва гидравлик нобудгарчилигини аниқлаш;

цехларни буғ билан таъминлаш ички тизимининг буғ-конденсат балансини тузиш;

ишлаб чиқариш биноларининг иссиқлик таъминоти ва режимларини текшириш; иссиқликдан фойдаланувчи асбоб-ускуналарни текшириш;

мазут (кўумир) хўжалигида иссиқлик нобудгарчилигини аниқлаш;

иссиқлик таъминоти тизимининг авария ҳолатини таҳлил қилиш;

буғ қозонлари томонидан иссиқлик энергияси беришга иссиқлик сарфи кўрсаткичларини нормалаштириш;

электр станциялари (шу жумладан иссиқлик электр марказлари) иссиқлик сарфининг солиштирма кўрсаткичларини нормалаштириш.

Истеъмолчиларнинг энергетика қурилмалари:

истеъмолчиларнинг энергияни хисобга олиш приборлари билан жиҳозланганлиги. Истеъмолчиларда ва тармоқлар ажралиши чегараларида энергияни хисобга олишнинг ҳолати ҳамда унинг амал қиладиган хужжатларга мувофиқлиги;

мавжуд энергетика асбоб-ускуналарининг таркиби;

энергетика асбоб-ускуналарини режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш;

энергия таъминоти схемалари мавжудлиги ва уларнинг амалдаги нормаларга мувофиқлиги;

энергия сифимли асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги;

ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчисининг энергия баланси;

энергия истеъмоли режимларини баҳолаш;

ёқилғи-энергетика ресурси истеъмолчисига энергия таъминоти салоҳиятини аниқлаш;

энергияни тежаш салоҳиятидан фойдаланиш чора-тадбирлари;

энергиядан технология жараёнларида, тармоқларда янада самарали (оқилона) фойдаланишга доир тавсиялар;

ёқилғи-энергетика истеъмолчиси томонидан энергиядан фойдаланишни таҳлил қилиш;

энергетика асбоб-ускуналари ва тармоқларининг баланс синовларини ўтказишни ташкил этиш;

конденсатни манбага қайтариш;

маънавий эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш чора-тадбирларини бажариш, биноларда энергия манбайдан фойдаланишнинг самарадорлиги, энергияни тежаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар мавжудлиги;

иккиламчи энергия ресурслари ва улардан фойдаланиш тизимлари мавжудлиги, самарадорликни баҳолаш.

+

-

Ёкилғи-энергетика ресурслари истеъмолчи
ларини энергетика текширувидан ва
экспертизадан ўтказиш қоидаларига
2-ИЛОВА

1-жадвал

ИСТЕЪМОЛЧИННИНГ ЭНЕРГЕТИКА ПАСПОРТИ ЁЭР — ИЭП

Энергия ресурсларини ҳисобга олиш

Энергия истеъмолини ҳисобга олиш				Энергия берилишини ҳисобга олиш				Изоҳ			
Энергия кувватини ҳисобга олиш тури (актив, реактив)		Ўлчов трансформаторлари ўрнатилган жой		Энергия кувватини ҳисобга олиш тури (актив, реактив)		Ўлчов трансформаторлари ўрнатилган жой		Конденсаторларни ҳисобга олиш		Конденсаторларни ҳисобга олиш	
P кВт.с	Q кВар.с	ТТ	КТ	P кВт.с	Q кВар.с	ТТ	КТ	Конденсаторларни ҳисобга олиш	Конденсаторларни ҳисобга олиш	Конденсаторларни ҳисобга олиш	Конденсаторларни ҳисобга олиш

2-жадвал

Асосий энергетик қурилмалари ва энергия ўзгартиргичлари

T/p	Номи	Үрнатилган жойи	Тури, маркаси	Ишлаб чиқарилган йили	Үрнатиш санаси	Охирги текшириш санаси	Холати	Изоҳ
1								
2								

3-жадвал

Белгиланган ва истеъмол қилинган электр энергияси қуввати

Белгиланган электр қуввати						Истеъмол қилинган электр қуввати								Изоҳ		
Технолог		ўЭ		ХЭ		ИЧЭ		Технолог		ўЭ		ХЭ		ИЧЭ		
P кВт.с	Q кВар.с	P кВт.с	Q кВар.с	P кВт.с	Q кВар.с	P кВт.с	Q кВар.с	P кВт.с	Q кВар.с	P кВт.с	Q кВар.с	P кВт.с	Q кВар.с	P кВт.с	Q кВар.с	

Изоҳ:

Технолог — технологик эҳтиёжлар: ушбу маҳсулот (иш) турини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларига ёқилғи, иссиклик ва электр энергияси сарфи.

ЎЭ — ўз эҳтиёжи: асосий технологик асбоб-ускуналарнинг нормал иш режимини ушлаб турадиган энергия истеъмол қилувчи агрегатларнинг ЁЭРи сарфи.

ИЧЭ — ишлаб чиқариш (ёрдамчи) эҳтиёжлари: маҳсулот олишда технологик жараённи кўллаб-қувватлайдиган ишлаб чиқариш ва ёрдамчи энергия истеъмол қилувчи агрегатларнинг ЁЭР истеъмоли.

Х.Э. — хўжалик (коммунал-маиший) эҳтиёжлари: ишлаб чиқарышнинг хўжалик-маиший эҳтиёжларига ЁЭР сарфи.

4-жадвал

Корхонанинг энергетика баланси

	Баланс параметлари тузилмаси	Электр энергияси		Иссикликк энергияси /Гкал/	Газ /минт м ³ /	Мазут /тонна/	Кўмир /тонна/	йил		чорак		Нефть маҳсулотлари /тонна/	Сув /минт м ³ /	Энергиянинг бойка турлари	Изоҳ
		актив Р	реактив Q /кВт.с/					Бензин	Керосин	Геллер монги	Boukrajaq				
Белтиланган электр куввати															
Шундан четга чикарилгани															
Корхоналар бўйича жами иштевмол															
Шу жумладан: технологик эҳтиёжлар учун															
Ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун хўжалик (коммунал-майиш) эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариладиган (асосий ва қўшимча) маҳсулот турлари бўйича	1.														
	2.														
	3.														
	4.														

+

5-жадвал

Корхонанинг энергетика баланси

	200 йил					
	200 йил			Нефть маҳсулотлари		
Баланс параметлари тузилмаси	Электр энергияси	Иссикликк энергияси Гкал/минт	Газ /минт м ³ /	Мазут /тонна/	Кўмир /тонна/	
Белгиланган электр куввати	актив P /кВт.с/	реактив Q /кВар.с/				
Шундан четга чикарилгани						
Корхоналар бўйича жами иштевмол						
Шу жумадан: технологик эҳтиёжлар учун						
Ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чикариши						
Эҳтиёжлари учун хўжалик (коммунал-майиш) эҳтиёжлари учун						
Ишлаб чикариладиган (асосий ва қўшимча) маҳсулот турлари бўйича						
1.						
2.						
3.						
4.						

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

6-жадвал

200_ йилда солиштирма кўрсаткичлар ўзгариши динамикаси

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ	Электр энергияси					Иссиқлик энергияси					Газ				
	I	II	III	IV	йил	I	II	III	IV	йил	I	II	III	IV	йил
ЧОРАКЛАР															
Маҳсулотнинг асосий тури	ўтган йилнинг ҳақиқий солиштирма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳақиқий кўрсаткичи														
Кўшимча маҳсулот	ўтган йилнинг ҳақиқий солиштирма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳақиқий кўрсаткичи														
Ўзининг ва ишлаб чиқариш истеъмоли	ўтган йилнинг ҳақиқий солиштирма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳақиқий кўрсаткичи														
Технологик истеъмол	ўтган йилнинг ҳақиқий солиштирма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳақиқий кўрсаткичи														
Ўтган йилнинг ҳақиқий норма- лари бўйича хисоблаб чиқа- рилган ҳақиқий энергиянинг солиштирма сарфига нисбатан хисобот йили учун ҳақиқий энергиянинг солиштирма сарфи- нинг камайиши ёки кўпайиши (*)															
%%															
Хўжалик (коммунал-маший) истеъмоли															
Жами истеъмол қилинган															
Меъёrlанган истеъмол %															

(*) _____

(кайси тадбирлар хисобига кўрсатилсин)

+

7-жадвал

+

200_ йилда солиширма кўрсаткичлар ўзгариши динамикаси

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ	Мазут					Нефть маҳсулотлари					Кўмир				
	I	II	III	IV	йил	I	II	III	IV	йил	I	II	III	IV	йил
ЧОРАКЛАР															
Маҳсулотнинг асосий тури	ўтган йилнинг ҳақиқий солиширма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳақиқий кўрсаткичи														
Кўшимча маҳсулот	ўтган йилнинг ҳақиқий солиширма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳақиқий кўрсаткичи														
Ўзининг ва ишлаб чиқариш истеъмоли	ўтган йилнинг ҳақиқий солиширма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳақиқий кўрсаткичи														
Технологик истеъмол	ўтган йилнинг ҳақиқий солиширма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳақиқий кўрсаткичи														
Ўтган йилнинг ҳақиқий норма- лари бўйича хисоблаб чиқа- рилган ҳақиқий энергиянинг солиширма сарфига нисбатан хисобот йили учун ҳақиқий энергиянинг солиширма сарфи- нинг камайиши ёки кўпайиши (*)															
%%															
Хўжалик (коммунал-маший) истеъмоли															
Жами истеъмол қилинган															
Меъёrlанган истеъмол %															

(*) _____

(кайси тадбирлар хисобига кўрсатилсин)

8-жадвадл

Йиллар бўйича энергетика кўрсаткичлари ўзгариши динамикаси

	ЧОРАКЛАР	ЙИЛ				200 йил															
		I	II	III	IV	I	II	III	IV	I	II	III	IV	I	II	III	IV	I	II	III	IV
Энергия тизимининг максимал соагларидаги белгиланган электр куввати (кВт)																					
Махсулотнинг асосий тури	Ўтган йилнинг ҳакиқий солиштирма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳакиқий кўрсаткичи																				
Кўпчимча маҳсулот	Ўтган йилнинг ҳакиқий солиштирма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳакиқий кўрсаткичи																				
Ўзининг ва ишлаб чиқариш истебмоли (шартли ёқилиги тонаси)	Ўтган йилнинг ҳакиқий солиштирма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳакиқий кўрсаткичи																				
Технологик истебмол (ш. ё. т.)	Ўтган йилнинг ҳакиқий солиштирма сарфи бўйича хисобот йилнинг ҳакиқий кўрсаткичи																				
Ўтган йилнинг ҳакиқий нормалари бўйича хисоблаб чиқарилган ҳакиқий энергиянинг солиштирма сарфига нисбатан хисобот йили учун ҳакиқий энергиянинг солиштирма сарфининг камайини ёки кўнайини (*)																					
%%																					
Хўкалик (коммунал-машний) истебмоли (ш. ё. т.)																					
Жами истебмол килинган (ш. ё. т.)																					
Мебўлланган истебмол %																					
Четга чиқарилган																					

9-жадвал

+

Энергия ресурслари сарфини хисобга олиш приборлари

	Электр энергияси	Иссиқлик энергияси	Газ	Мазут	Күмир	200 йил		Сув	Энергиянинг бошқа турлари	Изоҳ
						Нефть махсулотлари	Бонкялар			
Хисоблагич тури (маркаси)										
Завод №										
Хисобга олиш тури (тижорат/тех)										
Ўрнатиш санаси ва жойи										
Давлат текшируванинг пломбалаш санаси										
ДЭНнинг пломбалаш санаси										

Белгиланган электр қуввати

ЙИЛ	200 йил					200 йил					200 йил				
	I	II	III	IV	йил	I	II	III	IV	йил	I	II	III	IV	йил
ЧОРАКЛАР															
Энергия тизимининг максимал соатлари- даги белгиланган электр қуввати (КВТ)															

Ёқилғи-энергетика ресурслари истемолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларига
3-ИЛОВА

Энергетика экспертизасини ўтказиш намунавий дастури

1. Бажарилган лойиханинг техник топширикка мувофиқлигини аниқлаш.
2. Техник топширикда кўрсатиб ўтилган топширикларни бажариш имкониятларини аниқлаш мақсадида танланган асбоб-ускуналарнинг техник тавсифлари билан танишиш.
3. Лойихалаштириш жараёнида қабул қилинган асбоб-ускуналарни, яқин ва узоқ хорижий мамлакатларнинг шунга ўхшаш асбоб-ускуналари билан қўйидаги кўрсаткичлари бўйича таққослаш: ишончлилиги, энергия хавфсизлиги, энергия самарадорлиги, таъмирга яроқлилиги, фойдаланишда осонлиги, эҳтиёт қисмлари ёки уларни республикада тайёрлаш имкони тўғрисида.
4. Лойиханинг қонун хужжатларига ва норматив хужжатларга мувофиқлигини баҳолаш (КМҚ, ШНҚ, СНиП, РД ва бошқалар).
5. Қабул қилинган технологик ечимларнинг илфорлиги нуқтаи назаридан асбоб-ускуналарни танлашнинг тўғрилигини баҳолаш.
6. Портлаш хавфсизлиги, атроф-муҳит ва сув ҳавзасини муҳофаза қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва техник фойдаланиш қоидалари шартларининг бажарилишини баҳолаш.
7. Лойихалаштирилаётган объектнинг техник-иктисодий кўрсаткичлари ҳисобкитоби бажарилишининг тўғрилигини баҳолаш.
8. Лойиханинг қабул қилинган ва бошқа, шу жумладан энергия манбалари бўйича вариантларини таққослаш.
9. Лойихада қабул қилинган техник қарорларнинг атроф муҳитга таъсирини ҳамда лойихадаги табиатни муҳофаза қилиш ечимларининг етарлилигини баҳолаш.
10. Лойихалаштирилган асбоб-ускуна ёки жараённинг макбул иш тартибларини жорий этиш имконини берадиган автоматлаштириш воситалари, назорат қилиш ва объектнинг параметрларини ҳисобга олиш воситаларининг техник даражаси ва етарлилигини баҳолаш.

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

322 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 25 июлдаги ПФ-3781-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 25 июлдаги ПФ-3781-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномаларни кўриб чиқиш ва Давлат мукофотларини бериш бўйича таклифлар тайёрлаш Регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Фанлар академиясига Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг ишчи органлари вазифасини бажариш юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат мукофотлари қўмитаси тугатилсан.

+ Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат мукофотлари қўмитаси тугатилишини ҳамда мазкур қўмитанинг асосий воситалари ва бошқа мулкининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги балансига ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил қилсан.

- 4. Ўзбекистон Бадиий академияси уч кун муддатда Давлат мукофоти лауреатлари дипломи, гувохномаси ва кўкрак нишонининг энг яхши намунаси учун очик танлов эълон қилсан ва икки ой муддат ичida танлов якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклиф тақдим этсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007 йилдан бошлаб «Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати» дипломи, фахрий нишони ва унинг гувохномасини тайёрлаш, мукофотга тавсия этилган ишларни мустақил экспертиздан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, Давлат мукофотлари лауреатларига пул мукофотини тўлаш учун республика бюджетидан маблағ ажратилишини назарда тутсан.

6. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини тўлашга пул маблағларини ажратиш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг З-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август,
168-сон

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 8 августдаги 168-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномаларни кўриб чиқиш ва Давлат мукофотларини бериш бўйича таклифлар тайёрлаш Регламенти

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларига (кейинги ўринларда Давлат мукофотлари деб аталади) талабгорлар бўйича тавсияномаларни қабул қилиш, уларнинг Давлат мукофотларига тақдим этилаётган ишларини кенг мухокама ва экспертизадан ўtkазиш, мухокама натижалари ва экспертиза хуносалари асосида Давлат мукофотлари бериш бўйича таклифлар тайёрлаш тартибини белгилайди.

2. Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар ва талабгорларнинг тегишли ишларини Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш) кўриб чиқади.

II. Кенгаш фаолиятини ташкил қилиш

3. Кенгаш:

Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар қабул қилиш бошланганлигини, ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари ва тартибини республика марказий нашрларида мукофот бериладиган йилдан аввалги йилнинг 25 октябрига-ча эълон қиласди;

Давлат мукофотларига талабгорларнинг ҳужжатлари эълон чиқсан кундан бошлаб уч ой давомида (кечи билан мукофотлар бериладиган йилнинг 25 январигача) ишчи органлар томонидан қабул қилинишини ташкил этади;

қабул қилинган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Давлат мукофотлари тўғрисидаги низом деб аталади) талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади, Давлат мукофотларига номзодлар рўйхатини шакллантиради ва бу рўйхатни тегишли ишларнинг қисқача тавсифи билан республика марказий нашрларида (кечи билан мукофот бериладиган йилнинг 25 февралига қадар) эълон қиласди;

Давлат мукофотларига номзодлар рўйхати эълон қилинган кундан бошлаб уч ой давомида тегишли ишларнинг мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилишини ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг муҳокамасини ташкил қиласди;

экспертиза хулосалари ва муҳокама натижаларига кўра Давлат мукофотларини беришга оид тегишли таклиф тайёрлади ва уни Ўзбекистон Республикаси Президентига (кечи билан мукофот бериладиган йилнинг 25 июляга қадар) тақдим этади;

Кенгашнинг шўйбалари ва ишчи органларига тегишли вазифаларни юклайди;

Давлат мукофотларига тавсияномаларни қабул қилиш ва сақлаш, мукофотларга номзодлар ишларини мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни тасдиқлайди.

4. Кенгаш ва унинг шўйбалари қарорлари баённома билан расмийлаштирилайди.

5. Кенгаш аъзолари унинг ишида жамоатчилик асосида иштирок этади.

III. Давлат мукофотига тавсияномаларни қабул қилиш

6. Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органлари:

фан ва техника соҳасида — Фанлар академияси;

адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қабул қилинади.

7. Давлат мукофотига талабгор бўйича тавсияномада муаллиф (муаллифлар жамоаси учун — ҳар бир муаллиф)нинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш манзили, фуқаролиги, ишлаш жойи ёки фаолият тури, илмий даражаси, илмий унвони, фахрий унвони, илмий, ижодий ишлари, адабий, бадиий асарларининг эътирофи сифатида унга берилган бошқа мукофот ва совринлар, Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомда белгиланган мезонлар асосида республика фани ва маданиятига қўшган ҳиссасини асословчи маълумотлар келтирилади.

Тавсияномага талабгорларнинг Давлат мукофотига тақдим этилаётган илмий, адабий, бадиий, санъат асарларининг ёзма, овозли ёки видео ёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари ва бошқа материаллар илова қилинади.

8. Давлат мукофотларига тавсияномалар ва уларнинг иловаларини ижрочи орган томонидан расмийлаштириш ва сақлаш, зарур ҳолларда муаллифга қайтариш тартиби Кенгаш томонидан тасдиқланадиган йўриқномага мувофиқ белгиланади.

IV. Давлат мукофотларига тавсия қилинаётган талабгорлар ишларини кўриб чиқиш тартиби

9. Шўйба Давлат мукофотига талабгорлар ишларининг Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқлиги бўйича хулоса чиқаради, саралайди, шу асосда Давлат мукофотларига танловга қўйиладиган номзодлар рўйхатини шакллантиради ва Кенгашга тақдим этади.

Кенгаш шўйба томонидан тақдим қилинган рўйхатни кўриб чиқади, тасдиқлайди ҳамда уни ишларнинг номи ва қисқа тавсифи билан матбуотда эълон қиласди. Бу эълон билан Давлат мукофотига қўйилган ишларнинг расмий танлови жараёни бошланади.

Давлат мукофоти учун танловга қўйилган ишлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг мухокама қилинади ва айни пайтда Кенгашнинг тегишли шўъбаси томонидан экспертизадан ўтказилади.

10. Экспертизанинг мақсади — талағорнинг илмий, ижодий иши ёки адабий, бадиий, санъат асарининг аҳамиятини, унинг Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомда белгиланган мезонларга мувофиқлигини баҳолашдан иборат.

Экспертизага тегишли соҳадаги етакчи мутасадди ташкилотлар, таникли олимлар, маданият, адабиёт ва санъат арబблари жалб қилинади.

Экспертиза натижаси асосланган бўлиши ва унда ишнинг Давлат мукофотига лойиқлиги тўғрисида аниқ хулоса келтирилиши лозим. Хулоса экспертизани ўтказган шахс, агар экспертиза ташкилотда ўтказилган бўлса, унинг раҳбари томонидан имзоланади ва имзо тегишли тартибда тасдиқланади.

Ҳар бир Давлат мукофотига номзоднинг иши бўйича бир-биридан мустақил равишда иккита эксперт хулосаси олинади. Мазкур икки эксперт хулосаси бир-бирига зид бўлса ёки улар асосида якуний хулоса чиқариш мумкин бўлмаса, учинчи эксперт хулосаси олинади.

11. Давлат мукофотига номзодлар ишларининг оммавий ахборот воситалари орқали мухокамаси билан боғлик материаллар (газета ва журнал мақолалари, радиокўрсатув ва телекўрсатув материаллари) Кенгашнинг тегишли ишчи органи томонидан жамлаб борилади ва мухокама якунлангач, З кун ичida Кенгашнинг тегишли шўъбасига тақдим этилади.

12. Кенгаш шўъбаси Давлат мукофотига номзодлар ишлари, олинган хулосалар ва оммавий ахборот воситалари орқали ўтказилган кенг мухокама натижалари умумлаштирилган батафсил маълумотнома тайёрлайди ва уни шўъба баённомаси билан бирга Кенгашга тақдим этиади.

13. Давлат мукофотларини беришга оид тегишли таклиф тайёрлаш бўйича якуний мухокама Кенгашнинг умумий мажлисида ўтказилади.

Номзодларнинг ишлари ва уларга илова қилинган материаллар мазмуни эркин фикр алмашиб йўли билан ошкора мухокама қилинади. Бунда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси фикр билдириш ҳуқуқига эга. Мухокама шўъба қарори ва умумлаштирилган маълумотнома асосида оширилади.

Кенгаш мажлисига қадар Кенгаш аъзолари Давлат мукофотларига номзодлар ва уларнинг тегишли ишлари бўйича барча тақдимномалар, уларнинг иловалари, экспертиза хулосалари ва мухокама натижалари бўйича маълумотнома билан танишиб чиқиши таъминланади.

14. Мухокама якунларига кўра Кенгаш Давлат мукофотлари тўғрисидаги низом тааллари асосида ҳар бир соҳа бўйича биринчи ва иккинчи даражали Давлат мукофоти бериш тўғрисида таклиф юзасидан қарор қабул қиласи.

15. Давлат мукофотлари танлови галиблари Кенгаш мажлисида очик ва номма-ном овоз бериш йўли билан аниқланади.

16. Мажлисда қатнашаётган Кенгаш аъзоларининг учдан икки қисмининг овонини олган номзодгина Давлат мукофоти билан тақдирланишга тавсия этилиши мумкин.

17. Кенгаш қарори Кенгаш раиси тасдиқлайдиган баённома билан расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилади.

V. Якуний қоидалар

18. Экспертиза натижалари тегишли мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар

томонидан ҳам, Кенгаш аъзолари томонидан ҳам ошкор қилинмайди. Кенгашнинг якуний мажлиси қарори ошкор қилинмайди.

19. Кенгашнинг мажлиси Кенгаш аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатга эга бўлади. Кенгаш қарори аъзолар умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

20. Агар Давлат мукофотига номзодликка Кенгаш аъзосининг иши тавсия қилинган бўлса, унинг муаллифи Кенгаш ишида иштирок этмайди ҳамда Кенгашнинг шу масала юзасидан қарори ва бошқа материаллар билан танишиш хуқуқига эга эмас.

21. Давлат мукофотлари беришга тааллуқли Кенгашга киритилган барча материаллар, Кенгаш мажлиси материаллари белгиланган тартибда ҳисобга олинади ва сакланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 8 августдаги 168-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини тўлашга пул маблағларини ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини тўлашга пул маблағларини бюджетдан ажратиш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Биринчи даражали Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида, иккинчи даражали Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида тўланади ва жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари миқдори ушбу мукофотларни тақдирлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони имзоланган пайтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисоблаб ёзилади.

4. Инсонни унинг вафотидан кейин мукофотлаш пайтида мукофотлаш ҳақида ги хужжат ва пул мукофоти мукофотланган шахснинг ворисига топширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси «Давлат мукофоти лауреати» дипломи, кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш, мукофотга тавсия этилган ишларни мустақил экспертизадан ўтказиш ва Давлат мукофотлари лауреатларига пул мукофотини тўлаш билан боғлик харажатларни республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджетни тасдиқлаш пайтида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигига режалаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти билан мукофотланган шахслар тўғрисидаги Фармон нусхасини олгандан сўнг, 5 банк куни давомида зарур маблағларни олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чекларини Халқ банкининг ёзиб бериш юкландиган тегишли бўлимига ҳисоблаб ўтказади.

7. Халқ банкининг тегишли бўлими мукофотлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони нусхасини олгандан сўнг олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чекларини ёзиб беришни амалга оширади.

8. Мукофотларни тўлаш олувчининг номи ёзилган хисоб-китоб чеклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг барча муассасалари томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Хисоб-китоб чеклари товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш учун тақдим этилиши мумкин.

10. Тўланган хисоб-китоб чекларига доир харажатларни қоплаш тўланган хисоб-китоб чеклари талаблари ва реестрлари асосида хисоб-китоб чекларини ёзib берган Халқ банки бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

11. Кўрсатиб ўтилган харажатлар молия органлари томонидан бюджетлар даромадлари ва харажатлари таснифи 201-бўлимининг 69-параграфи 1.9.00-модасида акс эттирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 8 августдаги 168-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райхон Беруний) номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти тўғрисида» 1991 йил 5 марта даги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 3-сон, 6-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 13 февралдаги 58-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райхон Беруний) номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти тўғрисида» 1991 йил 5 марта даги 57-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1996 йил 13 февралдаги 59-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 2-сон, 7-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 13 февралдаги 58-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» 1997 йил 26 марта даги 158-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарори 2-иловасининг 24-позицияси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

323 **Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 марта даги 44-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон қарорининг 3-бандидаги «10 та пул мукофоти» сўзлари «14 та пул мукофоти» сўзлари билан алмалтирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 марта даги 44-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомда:

1-банддаги «30» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин;

19-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Республика Кенгаши барча йўналишлар бўйича номзодларни танлаб, уларнинг ижодий ишларини кўриб чиқади ва танлов асосида совриндорларни белгилайди. 14 нафар совриндор Кенгашнинг маҳсус қарори билан тасдиқланади ва уларга «Ниҳол» мукофоти топширилади.»

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2006 йилдан бошлаб белгилangan маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 9 август,
169-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИННИГ
ҚАРОРИ

324 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
3 авгуустда 1552-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 13 авгуустдан кучга киради)

«Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан, Бошқарув қарор қиласди:

1. Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1 / 8-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (2006 йил 13 март, рўйхат раками 1552) иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 апрель,
10/7-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2006 йил 20 апрелдаги 10/7-сонли
қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон
тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритиладиган ўзгартериш ва
қўшимчалар**

1. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор бўйича:
а) номланишдаги «электрон тизимларида» сўzlари «автоматлаштирилган банк тизимларида» сўzlари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

б) муқаддимадаги «электрон тизимларида» сўзлари «автоматлаштирилган банк тизимларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-банддаги «электрон тизимларида» сўзлари «автоматлаштирилган банк тизимларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги низом бўйича:

а) номланишдаги «электрон тизимларида» сўзлари «автоматлаштирилган банк тизимларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қўйидаги таҳрирда байён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Архивлар тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон ҳисоблаш машиналари дастурлари ва маълумотлар базасини хукуқий муҳофазалаш тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунларига мувофиқ ишлаб чиқилган.»

в) 1-банддаги «электрон тизимларида» ва «электрон тизимларнинг» жумлалари мос равишда «автоматлаштирилган банк тизимларида» ва «автоматлаштирилган банк тизимларининг» жумлалари билан алмаштирилсин.

3. Низомнинг II бўлими қўйидаги 3-банд билан тўлдирилсин:

«3. Тижорат банкларида автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунига мувофиқ амалга оширилади.».

4. Низомнинг 3—29-бандлари 4—30-бандлар деб ҳисоблансин.

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А. ИЗБОСАРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 19 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

325 Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тӯғри- сида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
3 августда 1540-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 13 августдан кучга киради)

Таълим муассасаларида тўпланган тажрибаларни инобатга олган ҳолда **қарор қиласиз**:

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 106, 43 ва 01-356-сонли қарори билан тасдиқланган Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тӯғрисидаги низомнинг (2006 йил 18 январь, рўйхат рақами 1540 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 3-сон, 19-мода) 58-банднинг тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
 «таълим муассасалари педагог кадрларига — Коракалпогистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, вилоятлар халқ таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълим Бош бошқармасида».
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 июль,
117-сон

Халқ таълими вазири Т. ЖҮРАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 июль,
20-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
директори Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 18 июль,
01-231-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

326 **Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартришлар ва қўшимчалар киритиш хақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 августда 1548-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 18 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида **қарор қиласиз:**

1. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низом»га (2006 йил 21 февраль, рўйхат рақами 1548 — Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 8-сон, 60-модда) иловага мувофиқ ўзгартришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 июль,
273-B-1-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 июль,
67-сон

Марказий банк Бошқаруви ва Молия
вазирлиги томонидан 2006 йил 16 июлдаги
273-В-1 ва 67-сонли қарор билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига
бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит
линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Низомнинг номи ва бутун матнидаги «Тадбиркорбанк» сўзи «Микрокредит-банк» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 33-банддаги «1/6» сони «1/4» сони билан алмаштирилсин.

3. 37-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган дехқон хўжаликларига 5000 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентидан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига 10 000 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда берилади.

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳудудий ва мақсадли дастурларига хизмат кўрсатувчи банклар билан келишилган ҳолда киритилган юридик шахсларга Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини яратишга мақсадли кредитлар 50 000 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентигача бўлган миқдорда берилади».

4. 39-банд 4-хатбошидан кейин қўйидаги таҳрирдаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳудудий ва мақсадли дастурларига киритилган юридик шахсларга Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 10 000 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентидан ортиқ миқдордаги кредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида».

5. 61-банди еттинчи ва саккизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

6. 63-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кафиллик банк фойдасига кафил ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги З (уч) нусхада кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охирги бетида кафил ва қарздор имзоларидан кейин, банк томонидан мазкур кафиллик қабул қилинганини тўғрисида банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр кўйилган ёзув киритилади».

7. 85-банд «вазирлиги» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан тўлдирилсин.

8. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 июль

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в. б. Б. УЛАШЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 июль

Савдо-саноат палатаси раиси А. ШАЙХОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 июль

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

+

327 *Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида*

-

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
10 августда 1609-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 20 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Конунининг 6-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қиласди:

1. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақида»ги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинганидан сўнг ўн кун муддат ўтгач кучга киритилсин.

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НАСИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 июль,
№ 01-02/12-12

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

328 Савдо шахобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
10 августда 1610-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди +

(2006 йил 20 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **карор қиласиз:**

1. Савдо шахобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги йўриқнома иловага* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан кейин кучга киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 13 июль,
6/2-сон

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 13 июль,
4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Тошкент ш.,
2006 йил 13 июль,
255-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**329 Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида
чорва моллари сўйиш, чорва молларни сўйиш билан
шуғулланувчи шахсларга рухсат гувоҳномалари бериш ва
рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
10 августда 1611-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 20 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиласиз**:

1. Махсус сўйиш корхоналарида чорва моллари сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат гувоҳномалари бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан кейин кучга киради.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш давлат ветеринария инспектори Т. Омаров ва Ўзбекистон Республикаси Баш давлат санитария врачи Б. Ниязматов зиммаларига юклатилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 13 июль,
6/1-сон

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 13 июль,
5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
 ҚАРОРИ

330 Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
 10 августда 1532-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 20 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иктисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-331-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиласди:**

1. «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида»ги низомнинг (2005 йил 23 декабрь, рўйхат рақами 1532) 5 ва 23-бандларидағи «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» сўзларига алмаштирилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин амалга жорий этилсин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
 Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
 2006 йил 27 июль,
 03-8 / 2433-сон

Ташқи ишлар вазири В. НОРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июль,
12826-сон

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июль,
33 / 460-сон

Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июль,
33 / 1346-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июль,
01-02 / 20-13-сон

Давлат солик қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июль,
2006-34-сон

Мазкур қарор келишилган:

**Бош прокуратура хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва
жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти
бошлиғи Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июль

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 29 июлдан 11 августгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза килиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/7-сон қарори.

2006 йил 3 августда 1552-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 августдан кучга киради).

2. «Рахбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2006 йил 18 июлдаги 117, 20, 01-231-сонли қарори

2006 йил 3 августда 1540-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 августдан кучга киради).

3. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 16 июлдаги 273-В-1, 67-сон қарори.

2006 йил 8 августда 1548-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 18 августдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 6 июлдаги 01-02/12-12-сон қарори.

2006 йил 10 августда 1609-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 20 августдан кучга киради).

5. «Савдо шахобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги йўрикномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаши вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2006 йил 13 июлдаги 6/2, 4, 255-сон қарори.

2006 йил 10 августда 1610-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 20 августдан кучга киради).

6. «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва молларни сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат гувоҳномалари бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соглиқни сақлаши вазирлигининг 2006 йил 13 июлдаги 6/1, 5-сон қарори.

2006 йил 10 августда 1611-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 20 августдан кучга киради).

7. «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали курилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 27 июлдаги 03-8/2433, 12826, 33/460, 33/1346, 01-02/20-13, 2006-34-сон қарори.

2006 йил 10 августда 1532-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 20 августдан кучга киради).

+

-

—

+